

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



## **БАРЧА ЙЎНАЛИШЛАР УЧУН**

**Таълим жараёнини бошқаришда  
тизимли таҳлил ва қарор қабул  
қилишнинг замонавий технологиялари**

**МОДУЛИ БҮЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА**



**ТОШКЕНТ-2019**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШДА  
ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ  
ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2019**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:** **Н.Халилова** – психология фанлари номзоди,  
доцент

**Тақризчи:** **М.Акрамов** – психология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

*Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2019 йил 30 августдаги  
1/3.5- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	13
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	18
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	60
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	68
VI. ГЛОССАРИЙ. .....	72
VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .....	87

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Тизимли таҳлил, қарор қабул қилиш технологиялари, ахборот-таҳлилий фаолият ҳар қандай мамлакатнинг давлат ва жамият бошқарувида, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида амалга ошириб келинган ва бугунги кунда ҳам тобора ривожланиб бораётган фаолиятлиги барчага аён. Айниқса бу борада юксак даражада ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси муҳим ҳисобланади. Уларда давлат ва жамият бошқарув билан бир қаторда корпорациялар, компаниялар, ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар, ижтимоий бошқарув ташкилотларининг деярли барчасида таҳлилий фаолият ўта муҳим соҳа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 14 январ куни Вазирлар махкамасининг 2016 йил якунларига бағишланган мажлисидаги ўз чиқишида таъкидлаганидек, танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар қандай раҳбар фаолиятининг асосини ташкил этади<sup>1</sup>.

Хозирги замон таълим тизимининг бош мақсадларидан бири юқори маданиятли, тизимли фикрлай оладиган, учраши мумкин бўлган мураккаб муаммоларни еча биладиган, комил инсонни тарбиялаш тизимини яратишdir.

Замонавий педагог бугун катта хажмдаги маълумотларни таҳлил қила олиши, ўзининг педагогик қарорларини асослаб бера олиши, ўз тажриба ва билимларига асосланган холда тизимли фикрлаш ва нихоят тизимли прогнозлаштириш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Тизимли таҳлил - бу шундай бир ижодий жараёнки, унинг натижасида алоҳида фактлар режалаштириш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ маълум қарорларни қабул қилувчи ва бажарувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар учун мўлжалланган тайёр маҳсулотга айланади.

Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш, ахборот-таҳлилий фаолият билан у ёки бу даражада ижроия ҳокимияти ва ўрта бўғин вакиллари ҳам, раҳбар кадрлари, шунингдек олий таълим соҳаси вакиллари ҳам шуғулланади. Шунинг учун ҳозирги даврда ҳар бир ходим ахборот-таҳлил ишининг усул ва воситаларини билиши ҳамда юзага келувчи вазиятларни тадқиқ қилишда улардан самарали фойдалана олиши лозим. Илмий услубларни эътиборга олмаслик ёки улардан фойдалана билмаслик нафақат вақт ва кучни исроф қилишга, балки кейинчалик муҳим қарорлар қабул

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи

қилишга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Вахоланки шу кунгача республикамизда тизимли таҳлил қилишни биладиган, тизимли фикрлаш қобилиятига эга мутахасислар тайёрлаш муаммоси етарли даражада ҳал бўлгани йук. Бунга сабаб кўпчилик профессор-ўқитувчиларимизда муаммога тизимли ёндашув ва тизимли фикрлашнинг етарли даражада эмаслиги, бу билимларнинг ишлатилмаслигидир.

Шундай қилиб билим тараққиёти бир томондан жуда кўп янги фактлар, турли соҳаларга оид маълумотларнинг очилиши ва тўпланишига олиб келди, бошқа томондан инсоният олдига уларни тизимлаштириш вазифасини қўйди. Анализ, синтез ва қисмлар ўртасидаги ўзаро алоқа англашнинг бўлакларга бўлинганлиги тизимли билишнинг ёрқин мисолидир.

Демак, тизимли таҳлил муаммони ҳал қилиш методологияси сифатида барча зарурий услубларни, билимларни ва муаммони ечиш учун лозим бўлган ҳаракатларни умумлаштирувчи устун вазифасини бажаради. Айнан шу билан унинг жараёнлар тадқиқоти, статистик ечим назарияси, ташқиллаштириш назарияси ва бошқа шу каби соҳалар билан муносабати аниқланади. Тизимли таҳлил у ёки бу методдан қайси босқичда ва қандай шаклда фойдаланиш лозимлигини аниқлаб беради.

Мазкур ўкув методик мажмуа (ЎУМ) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли Фармони, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўкув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли Қарори ҳамда 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисидаги” ПФ-5789 сонли Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, олий таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг

илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

ЎУМ мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойихалаш, педагогик маҳоратни ошириш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм – фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишлари, илмий – тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг мунтазам касбий ўсишда интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларни ривожлантириш назарда тутилади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари:**

**Ўрганишдан мақсад:** тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асосларининг услуб, услубияти ва ёндашуви, мезонлари, босқичлари ва теехнологиялари буйича назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиш ва уларни педагогик фаолиятда, шунингдек шахсий ҳаётда қўллай билиш.

### **Модулнинг вазифалари:**

Педагоглик фаолиятида учраши мумкин бўлган муаммоли ҳолатларни тизим сифатида ўрганиш;

ушбу соҳалардаги муаммоларга таъсир қилиши мумкин бўлган омилларни аниқлашни ўрганиш;

муаммонинг моҳиятини очиб берувчи тизим моделини яратиш;

муаммонинг хал қилингандигини аниқловчи кўрсаткичларини (критерийларини) аниқлашни ўрганиш;

тизимли ёндашув ва тизимли фикрлаш хақида билимга эга бўлиш;

соҳасида учраши мумкин бўлган муаммолар буйича қарор қабул қилишни ўрганиш;

тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишдан амалий кўникмалар олиш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар.**

### **Тингловчи:**

тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари бўйича назарий билимга эга бўлиш;

тизимли таҳлилнинг услубияти, услуб ва воситаларидан фойдаланиб, унинг мезон ва босқичларига амал қилган холда, педагогик фаолиятида учраши мумкин бўлган мураккаб муаммоларни ҳал қилиш;

касбий фаолиятда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишни амалда қўллай билиш;

таълимга оид ахборот-таҳлилий хужжатларни ишлаб чиқиш ва амалда тўғри қўллашни билиш;

ахборот-таҳлилий хужжатларни баҳолаш, умумлаштириш асосида хulosалар бериш малакаларини эгаллаш;

ахборот-таҳлилий хужжатлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни билиш;

мураккаб муаммоларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланишини билиш **бўйича чуқур билим ва кўникмаларни эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологияси” модули бўйича дарслар маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараённида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усусларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологияси” модули мазмуни ўқув режадаги “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик”, “Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда тизимли таҳлил”, “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” каби ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг тизимли таҳлил асослари бўйича касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим ва тарбия жараёнларини тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

T/p	Мавзулар номи	Жами	Маъруза	Амалий машғулот
1	Тизимли таҳлил: предмет ва тушунча. Тизимли ёндашувнинг моҳияти. Тизимли таҳлилда услугуб ва услубият.	2	2	
3	Тизимли таҳлилда муаммони шакллантириш ва ечиш: амалий жихат.	2		2
4	Таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилишнинг мазмун моҳияти, турлари. Қарорга қўйиладиган талаблар ва тамойиллари.	2	2	
6	Қарорнинг шаклланиши ва уни қабул қилиш босқичлари. Турли омиллар асосида қарор қабул қилишнинг методологик жиҳатлари.	2		2
<b>Жами</b>		<b>8</b>	<b>4</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу. Тизимли таҳлил: предмет ва тушунча. Тизимли ёндашувнинг моҳияти. Тизимли таҳлилда услугуб ва услубият.**

Муаммонинг долзарблиги. Ўқув курсининг мақсади ва вазифалари. Тизимли таҳлилнинг предмет соҳаси. Муаммоли вазиятларни тизимли баён этиш методологияси. Тизимли таҳлил назарияси фанлараро назария сифатида.

Тизими тафаккур. Тизимли фикрлаш алоҳида фикрлаш тури сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимнинг турлари, шартлари ва умумий хусусиятлари. Тизим қонуниятлари.

Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари.

Тизими ёндашув тушунчаси, мазмун-моҳияти. Тизимли ёндашув принциплари, ва асосий фаразлари.

Педагогик фаолиятда тизимли ёндашув. Тизимли ёндашувнинг асосий тамойиллари. Синтез ва анализ. Тизимли таҳлилнинг асоси сифатида педагогик тизимнинг белглари.

Тизимли ёндашув фикрлаш метологияси сифатида. Педагогларда тизимли фикрлашни шакллантириш. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилда услугуб ва улубият. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Тизимли таҳлилда қўлланиладиган услублар: “мақсадлар дарахти” услуби, “ақлий ҳужум” услуби, “дельфи” услуби, “экспертлар баҳоси” услублари ва бошқалар.

Тизимли таҳлилда экспериментал услуб. Тизимли таҳлилда мақсадларни ва мезонларни аниқлаш усуллари.

**2-мавзу. Таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилишнинг мазмун моҳияти, турлари ва тамойиллари.**

Муаммо, муаммоли вазият, педагогик вазиятнинг мазмун-моҳияти.

Таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилишнинг мақсади ва вазифалари, субъекти ва обьекти.

Қарор тушунчаси, мазмун-моҳияти ва унинг асосий вазифалари. Қарорнинг муаммони ечишдаги ўрни. Қарор турлари, унинг классификацияси ва уни қабул қилиш усуллари.

Қарорга қўйиладиган асосий талаблар. Қарорни турли белгилари асосида гурухларга ажратиш. Қарорнинг тезкор, тактик ва стратегик турлари. Корпоратив қарор. Шахсий даражада, касбий-жамоавий даражада, гуруҳий даражаларда қарор қабул қилиш. Қарорда манфаатларни муштараклигини таъминлаш.

Қарор қабул қилиш тамойиллари. Холисийлик, ўз вақтидалик, илмийлик, далилларга асосланганлик каби тамойиллар.

Қарор қабул қилиш босқичлари. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш жараёнидаги кетма-кетлик.

Таълим жараёнини бошқаришни режалаштиришда ташкилий механизmlар ва бошқарув асослари.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Тизимли таҳлилда муаммони шакллантириш ва ечиш: амалий жихат.**

Амалий вазифаларни хал этишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш босқичлари. Муаммони танлаш. Муаммони қўйиш ва қийинлиги даражасини чеклаш. Мақсад ва вазифаларнинг иерархиясини ўрнатиш. Вазифани ечиш йулларини танлаш. Моделлаштириш. Стратегияни аниқлаш. Натижаларни тадбик этиш.

Тизимли таҳлилда обьектнинг тизимлигини белгалаб берувчи хусусиятлар. Бўлинмаслик ва яхлитлик, элементлараро алоқадорлик, ташкилий интегратив сифатлар

Тизим структураси. Объект ва тизим элементлари. Тизимга таъсир эътувчи ташқи омиллар. Ички омиллар. Тизимдан чикувчи элементлар. Тизим қабул килувчи элементлар. Тизим обьектни белгиловчи критериялар. Тизим ости элементлар.

Тизим муаммони ечиш воситаси сифатида. Тизимли таҳлил структураси. Декомпозиция. Анализ. Синтез.

### **2-мавзу. Қарорнинг шаклланиши ва уни қабул қилиш босқичлари. Турли омиллар асосида қарор қабул қилишнинг методологик жиҳатлари.**

Қарор қабул қилишда таъсир кўрсатадиган омиллар. Қарорга келиш. Қарорда манфаатларнинг ифодаланиши. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси.

Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараённи бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг эксперти ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми.

Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

Муаммони ечиш жараенининг мазмуни. Муаммони хал этиш жараёнининг босқичлари. Муаммони шакллантириш. Муаммо устида ишлаш. Муаммони ечиш.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

### **Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:**

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшлиши, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшлиши ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **«АҚЛИЙ ҲУЖУМ»**

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласи) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўнималарни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий ҳужум – микро гурухларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гурух ичida умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

**Намуна:** Гурухга муаммоли вазият берилади, мисол учун ОТМ колективидаги психологик вазият ёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоада ақлий ҳужум щтказилиб, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралилари, мақбуллари, яни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлганлари ва шу кабилари танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

### **“SWOT-таҳлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш

йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустакил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



**Намуна:** Масалан 1-ёки 2- маъруза дарсларида олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида “SWOT-таҳлил” методи асосида, маърузаларнинг кучли, кучсиз томонлари, имкониятлари ва тўсиқлари (салбий таъсир этувчи омиллари) тахлил қилинади.

### “Кейс-стади” методи.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижга (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> </ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурұхда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурұхда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурұхда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил варианtlарни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

### Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқ:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарған асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурұхда).
- бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).
- фикрингизни тақдимот қилинг.

**Намуна:** кейс учун топшириқ. Тингловчилар билан “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари” модули бўйича саккиз соат дарс ўтказилди. Ўқитувчи маъруза ва амалий дарсларда мавзу юзасидан берилган вақтдан келиб чиққан холда иложи борича тушунтиришга харакат қилди. Турли интерактив ва педагогик методлардан фойдаланди. Лекин, тингловчилардан бири “Мен сезяпманки, сиз ўтаётган “тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари” дарсининг менга фойдаси тегмаяпти, тушунмаяпман. Шунинг учун дарсларингизга умуман келгим келмаяпти – деди ўқитувчига. Хўш бунга сиз нима дейсиз? Сизнинг жавобингиз қандай бўлади?

Ушбу топшириқ бўйича кейс лойихаси тузилиб, аввалига индивидуал, кейин гурухларда бажарилади.

## **“Инсерт техникаси” методи.**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

<b>Белгилар</b>	<b>1-матн</b>	<b>2-матн</b>	<b>3-матн</b>
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

**Намуна сифатида 2-маъруза материаллари тингловчилар томонидан “Инсерт техникаси” методи аксосида таҳлил қилиб чиқиласди (ўқитувчи назорати остида).**

## **“Ассесмент” методи.**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг щтилган модул бўйича билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур услугуб орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш ва хоказо) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, фан ёки модул тугаганда ўзлаштирилган билим даражасини баҳолашда, тингловчилар томонидан ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна:** Тингловчиларнинг маъруза ва амалий машғулотларда олган билим даражаларини ўрганиш, ўзлаштириш даражаларини баҳолаш мақсадида машғулотлар сўнгига ассесмент методини қўллаб, аввалдан тайёрланган саволлар, шу қцаторда тестлар ёрдамида текширув ўтказилади.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

**1-мавзу. Тизимли таҳлил: предмет ва тушунча. Тизимли ёндашувнинг моҳияти. Тизимли таҳлилда услуг ва услугият.**

**Режа:**

**Тизимли таҳлилга кириш.**

- 1. Тизимли фикрлаш алоҳида фикрлаш тури сифатида.**
- 2. Тизимли таҳлилнинг ўзига хослиги.**
- 3. Тизимли таҳлилда фойдаланиладиган услублар.**
- 4. Тизимли таҳлилда мақсадларни ва мезонларни аниқлаш усуллари**
- 5. Комплекс муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш услуги сифатида тизимли таҳлилнинг ўзига хослиги.**

**Хулоса.**

**Калит иборалар:** *Тизим, тизимли фикрлаш, тизимли таҳлил, тизимли ёндашув, тизимли таҳлилда услуг ва услугият. Тизимли таҳлилда фойдаланиладиган услублар, “Ақлий хужум” услуги, “Дельфи” услуги..., “Морфологик услугба”, мезонлар.*

**Тизимли таҳлилга кириш.**

**Муаммонинг долзарблиги.** Ахборот технологиялари жадал сифатлар билан ривожланиб, инсон хаёти ва меҳнат фаолиятининг барча жабхаларига кириб бораётган бир пайтда, шунингдек республикамизда фаолият кўрсатаётган ўкув тизими модранизация қилинаётган шу кунларда, педагоглардан факатгина керакли педагогик билим ва кўникмаларга эга бўлишлари камлик килади. Барчамизга маълум, замонавий педагог бугун катта хажмдаги маълумотларни тахлил қила олиши, ўзининг педагогик қарорларини асослаб бера олиши, ўз тажриба ва билимларига асосланган холда тизимли фикрлаш ва нихоят тизимли прогнозлаштириш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Бугунги куннинг педагогик фаолиятида тизимли фикрлаш оддий билим ва айрим профессионал сифатларга эга бўлишдан юқори туради. XXI-асрга келиб жамиятимизнинг турли соҳаларида, шулар қатори педагогика соҳасида вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилишда тизимли ёндашиш ва тизимли фикрлашни билишни хаётнинг ўзи тақазо қилмоқда.

Хозирги замон талим тизимининг бош мақсадларидан бири юқори маданиятли, тизимли фикрлай оладиган, олдинда учраши мумкин бўлган мураккаб муаммоларни еча биладиган, комил инсонни тарбиялаш тизимини яратишdir. XXI-аср педагоги - нафақат ўқитувчи, тарбиячи, авалом бор у – юқори даражада тизимли фикрловчи ва изланувчи педагогdir.

Ваҳоланки шу кунгача республикамизда тизимли таҳлил қилишни биладиган, тизимли фикрлаш қобилиятига эга мутахассизлар тайёрлаш муаммоси етарли даражада ҳал бўлгани йук. Бунга сабаб кўпчилик профессор-ўқитувчиларимизнинг ўзида тизимли ёндашув ва тизимли фикрлаш етарли даражада эмаслиги, бу билимларнинг ишлатилмаслиги. Бу эса, бизнинг фикримизча уларда:

педагогик назария буйича билимларнинг саёзлигидан;  
ўз билим ва кўникмаларини долзарблаштириш, уларни мажмуавий ишлатишни билмасликларидан;

инсон хақида объект ва предмет сифатида тизимли билимларнинг етишмаслигидандир.

**Юқорида келтирилган фикрлар, биздан тизимли тахлил асосларини замонавий тахлил усуллари сифатида қўллашни ўрганишимизни талаб қиласди.**

**Ўрганишдан мақсад:** Тизимли тахлилнинг услуг, услугияти ва ёндашуви буйича назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиш. Тизимли тахлил услугият сифатида муаммоларни хал қилишда ишлатилиши мумкин бўлган услуг, восита ва харакатларни бирлаштирувчи омил булиб хизмат киласди. Тизимли тахлил қандай услубдан қачон ва қандай шаклда фойдаланишимизни аниқлаб беради.

**Модул:**

тизимли ёндашув ва тизимли фикрлаш хақида билимга эга бўлишга;  
муаммоли холатларни тизим сифатида кўрсатишга;  
тизимли тахлилдан амалий кўникмалар олишга қаратилган.

**Модулнинг вазифалари:**

муаммога таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар рўйхатини аниқлашни ўрганиш;  
муаммонинг моҳиятини очиб берувчи тизим моделини яратиш;  
муаммонинг хал қилинганлигини аниқловчи кўрсаткичларини (критерийларини) аниқлашни ўрганиш;  
муаммо буйича қарор қабул қилишни ўрганиш.

**Тизимли тахлил обьекти** – ўрганилаётган муаммо ёки ходиса.

**Тизимли тахлил предмети** бўлиб тизим ва тизимли жараёнлар хизмат киласди.

## **1. Тизимли фикрлаш алоҳида фикрлаш тури сифатида.**

Англаб етишнинг ўзига хослиги – фикрлашнинг аналитик ва синтетик кўринишларидан фойдаланишдир, яъни бир бутунни қисмларга бўлиш ва мураккаблиликни нисбатан содда бўлган таркибий қисмлар кўринишида намоён қилиш ва аксинча содда бўлганларни бирлаштирган ҳолда мураккабликни ташкил этиш.

Бу каби ўзига хослик ҳам алоҳида фикрлаш даражасида ҳам англашнинг ва фикрлашнинг оммавий даражасида кузатилади. Инсон билимининг таҳлилий асосда шаклланиши турли фанларнинг мавжудлиги, фанларни дифференциацияси, ҳар бири ўзича қизиқарли, муҳим, керакли бўлган тор масалаларни яна ҳам чуқурроқ ўрганишда кўринади.

Шу билан бирга билимларни синтез қилишнинг “орқага қайтиш” жараёни ҳам жуда муҳимдир. Бу бионика, биохимия, синергетика ва

бошқалар каби “чегаравий” фанларни вужудга келтиради. Бироқ бу синтезнинг шаклларидан бири холос. Бошқа, яна ҳам юқори бўлган, синтетик билимлар шакли табиатнинг энг умумий бўлган хусусияти тўғрисидаги фанлар доирасида амалга оширилади. Фалсафа борлиқнинг барча шаклларининг умумий хусусиятларини аниқлайди ва изоҳлайди; математика айрим, лекин шу вақтнинг ўзида умумий бўлган муносабатларни ўрганади. Синтетик фанлар сирасига формал, техник, гуманитар ва бошқа билимларни бирлаштирувчи тизимли таҳлил, информатика, кибернетика ва бошқалар киради.

Шундай қилиб, билимнинг ривожланиб бориши кўплаб янги фактларни, ҳаётнинг ҳар хил жабҳаларидан бўлган маълумотларни кашф этилишига ҳамда уларни тўплашга ва шу орқали инсониятни ушбу тўпланган билимларни тизимлаштиришга, хусусийликда умумийликни, ўзгарувчанликда турғунликни топишга мажбур қилиб қўйди. Шу аснода таъкидлаш жоизки, фикрлашни таҳлилга, синтезга бўлиниши ва бу қисмлар ўртасида ўзаро алоқанинг мавжудлиги тизимли таҳлилнинг яққол нишонасиdir.

Агар классик табиий фанлар дунёни ҳаракатдан, ашё ва энергиянинг бир-бирига айланишидан келиб чиқкан ҳолда тушунирадиган бўлса, бугунги реал олам тобе бўлган тизимли, айниқса тизимли-ахборотли ва синергетик жараёнларни инобатга олган ҳолда тушунирилиши мумкин.

Махсус фикрлаш тури бўлган тизимли фикрлаш жараён ёки ҳодиса моҳиятини нафақат тушунишни, балки уларни бошқаришни истайдиган таҳлиличига хосдир. Айрим ҳолларда бу фикрлаш турини таҳлилий фикрлаш билан ўхшатишиди, аммо ушбу ўхшатиш тўлиқ эмас. Хусусан, идрок таҳлилий бўла олади, тизимли ёндашув эса, бу тизимлар назариясига асосланган услубиятдир.

**Предметли (предметли йўналтирилган) фикрлаш** – бу услуг бўлиб, нисбатан тор ва аниқ бўлган муайян йўналишга (воқеага, ҳодисага) қаратилган илмий жараёндир.

**Тизимли (тизимли йўналтирилган) фикрлаш** – бу услуг бўлиб, предметли (предметли йўналтирилган) фикрлашга нисбатан кенгроқ (ўз ичиде икки ва ундан ортиқ предметли, (предметли йўналтирилган) фикрлашга тааллуқли бўлган обьектларни мужассамлаштирган) лекин аниқ бўлган муайян йўналишга (воқеага, ҳодисага) қаратилган илмий жараёндир. Кўп ҳолларда ушбу фикрлашни “тизимларни тадқиқ қилиш” услубияти ҳам деб аташади.

**Тизимли фикрлашда** ҳар хил таркибий элементлардан ташкил топган воқеа ва ҳодисалар йигиндиси нафақат таркибий элементлар ҳатти-ҳаракатини, хатто уларнинг сифатини ва миқдорини аниқламасдан ҳатти-ҳаракатини олдиндан айтиб бериш ва истиқболини белгилаш мумкин бўлган бир бутундай ҳамда умумий қоидалари бўйича ташкиллаштирилган бир воқеа ва ҳодиса сифатида долзарблаштирилади ва тадқиқ қилинади. Тизим бир бутунлик сифатида қандай қилиб фаолият кўрсатаётганлиги ёки

ривожланаётганлиги тушуниб етилмагунича, унинг таркибий қисмлари тұғрисидаги билимлар ушбу ривожланиш бүйича тұлық бўлган маълумотни бермайди.

*Масалан, тизимли фикрлаш тамойилига асосан жамият инсонлардан ташкил топган. Шунингдек, ҳар бир инсон тизимдир (масалан, физиологик). Ўз навбатида, инсонда ҳам унинг ўзига хос бўлган (организм сифатида қараганда) тизимлар мавжуд (масалан, қон айланиши тизими). Инсонлар ўзига ўхшашилар билан ҳамкорлик қилиши оқибатида янги тизимлар ташкил топади – оиласлар, этнослар ва бошқ. Бу каби ўзаро алоқалар жамоат ташкилотлари, алоҳида инсонлар даражасида ва ҳаттоқи мустақил қон айланиши тизимида (масалан, тўғридан-тўғри қон қўйиши натижасида) амалга ошиши мумкин.*

Тизимли фикрлаш қоидаларига асосан ҳар қандай тизим бошқа бир тизимга таъсир кўрсатади. Бундан келиб чиқиб таъкидлайдиган бўлсак, бизни ўраб турган бутун борлик – бу бир-бири билан доим алоқада бўлган тизимлар мажмуидир.

Тизимнинг ўзи нима?

Тизим – бу ўзаро боғлиқ қисмлардан ташкил топган концептуал ёки жисмоний бўлган ҳар қандай мавжудлик. Тизим деганда одатда ўзаро узвий боғлиқ бўлган обьектлар ва уларнинг таркибий қисмларининг йигиндиси тушунилади. Масалан, бизни жисмонан ўраб турган атроф-муҳитнинг қисми сифатида тоғлар, дарёлар, қуёш тизимлари мавжуд. Бундай талқинда ҳар хил қисмлардан йигилган машина, ҳужайралар йигиндисидан ташкил топган тирик организмни ҳам тизим деб қабул қилсан бўлади. “Тизим” тушунчаси инсон фаолиятининг ҳар хил тармоқларида кенг тарқалган режа, услугуб, қоидалар каби тушунчалар билан боғланган.

### **Тизимлар муайян қонуниятларга эга:**

**1. Яхлитлик.** Агар тизимнинг айрим қисмида муайян ўзгариш юз берса ва бу ўзгариш бутун тизимга таъсир қилса, у ҳолда тизим ўзини яхлит бирикма каби тутмоқда деган тўхтамга келинади. Мисол тарикасида АҚШда юз берган молиявий-иктисодий инқирозни келтириш мумкин. Хусусан, биргина Америкада юз берган иқтисодий инқироз бутун жаҳон иқтисодиёти барқарорлигига катта салбий таъсир кўрсатди.

**2. Яккалик.** Яхлитликдан фарқли равишда яккаликда тизимнинг маълум қисмида юз берган муайян ўзгариш бутун тизимга кутилган даражада таъсир қилмайди. Масалан, автомобиль тизим сифатида кўрилса ва унинг бир элементи асосий мақсадини бажаришга сезиларли таъсир кўрсатмаса, у ҳолда сўз яккалик тўғрисида кетади. Автомобилнинг (ҳар қандай тизимни ҳам) бу каби деталларини сиз ўзингиз автомобильга (ҳар қандай тизимга ҳам) нисбатан белгилаган бош мақсадга қараб аниқлашингиз мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, агар тизимнинг фаолият жараёнида яхлитликдан яккаликка кетма-кет ўтиши кузатилса, бундай ҳолларда тизим прогрессив тарзда ажralиб қолишга таъсирчан деб топилади. Буни

Афғонистон мисолида кўрадиган бўлсак, ушбу давлатда йиллар давомида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва ҳарбий соҳалардаги муаммолар кескин тус олиб боравергани сабабли у жаҳон ҳамжамиятидан ажралиб қолди.

**3. Коммуникативлик.** Тизимларнинг асосий қисми алоҳида эмас, балки ташқи дунё билан кўплаб коммуникациялар ёрдамида боғланган ҳолда мавжуд. Шунинг учун ҳам бу коммуникативлик деб номланади. Ҳар бир давлат жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли субъекти бўлиш учун халқаро муносабатларнинг бошқа субъектлари билан алоқада бўлиши шарт ва ушбу алоқалар коммуникация воситалари (темир йўл, автомобиль ва ҳаво йўллари, электр тармоқлари, газ қувурлари ва ҳ.к.) орқали амалга оширилади.

**4. Иерархиялик.** Иерархияликда бошланғич тизим декомпозициясининг кетма-кетлиги қатор босқичларга, яъни қўйи босқичнинг юқорисига тобелигини белгилаш тушунилади.

### **Ёпиқ ва очик тизимлар**

Ёпиқ тизим қаттиқ мустаҳкамлаб қўйилган чегараларга эга. Унинг ҳаракатлари тизимни ўраб турган муҳитдан нисбатан мустақил. Соат ёпиқ тизимга мисол бўла олади. Соатда унинг ўзаро боғлиқ қисмлари энергия манбайига уланиши биланоқ тўхтоворсиз ва аниқ ҳаракат қилишини бошлиайди. Соатда тўпланган энергия манбаи мавжуд экан унинг тизими атроф-муҳитдан мустақилdir.


Очиқ тизим ташқи олам билан ўзаро боғлиқлиги билан изоҳланади. Энергия, ахборот, материаллар – бу тизимнинг харир чегараси орқали ташқи дунё билан алоқа қилиш обьектларидир. Бундай тизим ўзини-ўзи таъминлай олмайди. У ташқаридан бўлган энергия, ахборот ва материалларга муҳтож. Бундан ташқари, очик тизим ташқи оламда юз бераётган ўзгаришларга мослашиш қобилиятига эга, акс ҳолда у ўз фаолиятини давом эттира олмайди. Масалан сиёсий хукумат тизим сифатида хозирги замонда очик булиши шарт.

**Умуман, ТТ деганда тизимли ёндашув асосида умумдавлат ва амалий қийин муаммоларни ечишни таъминлаб берувчи услубиятлар воситасининг йиғиндиси тушунилади.**

**Тизимли таҳлил** – аник мақсадли илмий тадқикот фаолиятининг тури булиб, бунда тадқикотчи диккат-этибори илмий билимлар хакида уларнинг шакли, мазмuni, шунингдек, батафсил текшириш, аник тушунча ва тасдикларни илгари суриш даражасига мувофик макбул тасаввурни яратишга каратилган булади.

**Тизимли таҳлил** – мураккаб тизимларнинг шаклланиши, фаолият кўрсатиши, парчаланиш жараёнлари, қарама-қаршиликлар вужудга келиши, ривожланиши ва хал этилиши жараёнларининг умумий қонуниятлари, шунингдек мураккаб тизимлардаги мақсадларни синтез қилиш қонуларини ўрганади.

**“Тизимли таҳлил”  
тушунчасининг  
турлича**



## 2. Тизимли таҳлилнинг ўзига хослиги

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, тизимли таҳлил – бу сиёсий таҳлилнинг энг кенг тарқалган воситаларидан бириди. Ўтган асрнинг 30-йилларида табиий фанлар вакиллари томонидан ишлаб чиқилиб, ТТ нисбатан яқин вақтлар ичида ижтимоий ва гуманитар фанларнинг воситасига айланди. Тизимли таҳлил нуқтаи назаридан одамлар жамиятининг исталган турини кенгроқ муҳит доирасида фаолият юритаётган тўлиқ ёки кам бўлса ҳам доимий кўринишдаги ташкилий бирикма сифатида қараб чиқишимиз мумкин. Улар аниқлаб ва таҳлил қилиш мумкин бўлган ўзаро боғлиқ элементларнинг муайян мажмуасидан ташкил топган яхлит тизим сифатида ифодаланади. Тизимлар уларни ташки оламдан ажратиб турувчи нисбатан аниқ чегараларга эга ва бу ҳолат ўз ўрнида муайян мейёрда ушлаб туриш тенденциясига эга.

Унинг моҳияти шундаки, сиёсий олам муҳит билан алоқада бўлган яхлит тизимни ташкил қилувчи элементлар (фуқаролик жамияти ва иқтисодий тизим) мажмуаси сифатида ўрганилади. Таъкидлаш жоизки, “сиёсий тизим” тушунчасининг ўзи сиёсий фанга “тизимли ёндашув” тушунчаси киритилганидан кейин кўлланиладиган бўлди. Унинг сиёсий фанда кўлланилиш эҳтиёжи аввало, сиёсий оламнинг мураккаблиги ва кўп қирралилиги билан белгиланади.

Ушбу факт кўпроқ тизимли таҳлил доирасида намоён бўлади, яъни ижтимоий, гуманитар ва қисман табиий фанларда сиёсий феноменли услублар, воситалар, тизимли аргументациялар ва бошқалар қўмагида кенг ўрганишни назарда тутади. **Ҳар бир тизимга 3 асосий ўлчовлар хос:** тузилмада мужассам бўлган бошланиш ёки реал мавжудлик;

- хатти-харакат ёки функция;
- шаклланиш ёки эволюция.

Идеал кўринишда ТТ барча учта борлиқни қамраб олиши керак. Аммо, реал тадқиқот амалиётида тизимчилар асосий дикқат-эътиборини биринчи

иккита жиҳатда мужассамлаштириб, учинчисига бирламчи эътибор қаратишмайди.

### **Илмий билим сифатида тизимли таҳлилнинг қўйидаги шартлари зарурдир:**

- предметли соҳанинг мавжудлиги (тизим ва тизимли жараёнлар);
- тизимнинг умумий хусусиятларини аниқлаш, тизимлаштириш ва изоҳлаш;
- тизимлардаги қонуниятни ва ўзга вариантларни аниқлаш ва изоҳлаш;
- тизимларни, уларнинг хатти-ҳаракатини ва атроф-муҳит билан бўлган алоқасини ўрганиш учун қонуниятларни ўрганиш;
- тизимлар тўғрисидаги билимларни тўплаш, сақлаш ва фойдаланиш.

### **ТТда “кириш” ва “чиқиш” тушунчалари мавжуд.**

Сиёсий тизимнинг “киришида” манфаатларни аниқлаш ва шакллантириш каби таркибий қисмлар, уларнинг сиёсатдаги ўрни, сиёсий коммуникация ҳал қилувчи аҳамиятга эга. “Чиқишида” биз қонун-қоидаларни, дастурларни, сиёсий курсларни тадбиқ этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни аниқлаймиз. Кўриниб турибдики, ТТ сиёсий феноменларнинг мураккаблиги ва ўзаро боғлиқлигини, сиёсатнинг ижтимоий асосини ҳамда унинг ижтимоий реалликка қайта таъсирини инобатга олган ҳолда тадқиқ этишга имкон беради.

ТТда биринчи масала бўлиб бир қатор мақсадларнинг мавжудлиги шароитида муаммонинг ўзини аниқлаш белгиланади. Мақсадларнинг муҳимлик даражаси (яъни улар кўп ва бир-бири билан мунозарали бўлиши мумкин) тизимли таҳлилчи томонидан муаммони ечишнинг маҳсус жиҳатларини ишлаб чиқиш ва баҳо бериш асосида аниқланади. Бироқ, ушбу ҳолатда математика ёрдамида мақсад ва сарф қилинадиган ресурслар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни изоҳлаб бериш мумкин эмас.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, математик асосга эгалиги ТТнинг аниқлигини юқори ўриндалиги билан баҳолайди, яъни мавжуд бўлган кўплаб қарорларни тизимли тартибга солиш, уларнинг алгоритми, ўз ўрнида, тизимдан чиқишида нисбатан юқори кўрсаткичларга эга оптимал, изоҳланган, ишлатиш мумкин бўлган ва максимал самарали қарорни ишлаб чиқишига имкон беради.

ТТ режалаштириш ёки стратегик режалаштириш ва режалаштиришнинг мақсадли босқичи билан боғлиқ бошқарув вазифасига илова тизимли концепциялар сифатида ҳам белгиланади. У кетма-кет бўлган фикрлаш операцияларидан ташкил топиб, объектив реалликка нисбатан яқин бўлган фикрлаш тизимини шакллантиради.

ТТ илмий билиш услубиятининг йўналиши сифатида ҳам талқин қилинади. Унинг асосида объектларга тизим сифатида қараш ётади. Бу эса

объектлардаги кузатиш қийин бўлган хусусиятлар ва муносабатларни тадқиқ этиш учун имкон беради.

ТТ тизим алоҳида тарқоқ қуи тизимлардан ташкил топишига қарамасдан интеграциялашган яхлитликни англатади. Тизимли ёндашув ўрганилаётган объектни ягона мақсад билан бирлаштирилган ўзаро боғлиқ тизимлар мажмуаси сифатида қўришга ҳамда унинг ички ва ташқи алоқаларининг интеграциялашган хусусиятларини очиб беришга имкон беради.

Реал тизимларни фаолият юритиши ушбу тизимларнинг ичидаги уларнинг атроф-муҳит билан муносабатларида мураккаб ўзаро боғлиқликнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Бундай шароитда тизим фаолиятининг умумий мақсадларини ва уларга қўйиладиган талабларни инобатга олмасдан хусусий қарорлар қабул қилиш етарли бўлмаслиги, ҳатто нотўғри ҳам бўлиши мумкин.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, ТТ қатъий услубий концепция кўринишида мавжуд бўлмайди. Бу ўз ўринда билим бериш тамойиллари йиғиндисидир. Уларга итоат қилиш эса аниқ тадқиқотларни маълум даражада мақсадли йўналтиришга имкон беради.

ТТ услубларини сиёсий, иқтисодий, илмий-техник, ҳарбий ва ижтимоий характерга эга бўлган муаммоларни ечишга жалб этиш зарурлиги даставвал қарор қабул қилиш жараёнида танловни ноаниқлик шароитида амалга оширилиши билан белгиланади. Бу ҳолат ҳар доим ҳам аниқ сонларда белгилаб бўлмайдиган омилларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

ТТ жараёнлари ва услублари айнан муаммоларни ҳал қилишнинг муқобил вариантларини илгари суришга, ҳар бир вариант бўйича ноаниқ кўламларни аниқлашга ва қарор вариантларини у ёки бу самарали мезонлар билан солиштиришга йўналтирилган.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, дунёда барча нарса тизимли: амалиёт ва амалий фаолият, илм ва илм олиш жараёни, атроф-муҳит ва у билан алоқа (ёки унинг таркибидаги алоқа). ТТ илмий англаш услубияти сифатида бунинг барчасини тузилмага солади ва объектларни, ҳодисаларни ҳамда ҳар хил кўринишдаги жараёнларни тадқиқ этиш ва ўзга вариантларни (айниқса яширин вариантларни) аниқлашга имкон беради. Яна уларни умумий ва фарқли, мураккаб ва содда, яхлит ва қисмларга бўлинган ҳолда ўрганади.

Ҳар бир инсоннинг ақлий фаолияти ўз моҳиятига қўра масалаларни, мақсадларни, ресурсларни режалаштиришларни аниқлашдан ечимларни топиб ва уларни ишлатишгача йўналишдаги ўзаро боғлиқ тизимлар жараёнининг йиғиндисидан фойдаланишини назарда тутувчи тизимли фаолият бўлиши шарт.

*Масалан, иқтисод соҳасида қабул қилинадиган ҳар бир қарор ТТнинг, иқтисоднинг, информатиканинг, бошқарувнинг фундаментал тамойилларига асосланган бўлиши ва инсонни ижтимоий-иқтисодий муҳитда ўзини тутишини инобатга олиши керак, яъни бу муҳитда у тўғри,*

*ижстимоий ва иқтисодий жиҳатдан исботланган нормаларга асосланган бўлиши керак.*

ТТни ишлатмаслик билимларни (одатий таълим орқали олинадиган) уларни амалиётга тадбиқ қилиш қобилиятига ва малакага айланишига, тизимли фаолият юрита олиш қобилиятига айланишга имкон бермайди (муаммоларни ҳал этишнинг конструктив жараёнларини мақсадли қуриш ва амалга ошириш, тузилмалаштириш, ресурслар билан таъминлаш). Тизимли фикрлайдиган ва фаолият юрита оладиган одам, одатда, истиқболни белгилайди ва ўз фаолиятининг натижалари билан ҳисоблашади, ўз хоҳишлари (мақсадларини) ва имкониятларини (ресурслари) инобатга олган ҳолда атроф-муҳитнинг манфаатларини инобатга олади, онгини ривожлантиради, жамоада тўғри қарашларни ва ўзини тутиш стратегиясини ишлаб чиқади.

### **3. Тизимли таҳлилда услуг ва услубият**

ТТни бошқа тизимли тадқиқотлар йўналишидан фарқлаб турувчи тамойилидаги ўзига хосликларидан бири, бу тизим мақсад ва функцияларни шакллантиришни ва қиёсий таҳлилини енгиллаштирувчи воситаларни ишлаб чиқиши ва тадбиқ қилишидир. Бошида мақсад тузилмасини шакллантириш ва тадқиқ қилиш методикалари аниқ мисолларда тўплаган мутахассислар билимини умумлаштиришга асосланган. Бироқ, бу ҳолда олинаётган маълумотларнинг тўлиқлигини ҳисобга олишнинг иложиси бўлмайди.

Сўз ТТдаги услубият тўғрисида кетганда, кўпчилик тадқиқотчилар ТТ методикасини ишлаб чиқиша асос сифатида ҳар қандай илмий изланишларни ўтказиш босқичларини ёки бошқарув назариясида қабул қилинган тадқиқот ва изланишлар босқичларини олиш мумкинлиги ҳақида бир тўхтамга келишади. Бироқ, **ТТнинг методикасининг ўзига хос бўлган томони шундаки, у тизим тушунчасига асосланши ҳамда тизимни қуриш, фаолият юритиши ва ривожланиши қонуниятларидан фойдаланиши кераклиги.**

Бундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, **ТТнинг барча методикаларига тизимларнинг фаолият юритиши қонунини аниқлаши, тизим тузилмаси вариантларини шакллантириши ва декомпозиция вазифаларини ҳал қилиши, тадқиқ қилинаётган тизимни таҳлил қилиши, тизимни синтез қилиши ва амалиёт муаммосини олиб ташлаш йўллари билан энг зўр вариантни танлаш умумий ҳисобланади.** Аниқ шароитларда тизимлар таҳлили ва синтези методикасини қуриш асослари бўлиб, ТТ тамойилларига амал қилиш ҳисобланади.

**Услуб** мақсадга етиштирувчи мантиқий ҳамда ижро нуқтаи назаридан ташкиллаштирилган тадбирлар кетма-кетлигидир. Шу аснода **мантиқийлик** у ёки бу ҳаракатнинг асосланганлиги ҳамда ҳаракат аниқланишининг узил-кесиллигидир.

**Тегишли талаблар асосида ташкиллаштирилган кетма-кетлик –** босқичлари пухта аниқланган, танлаш қоидалари эса ноаниқ бўлмаган

тегишли талаблар асосида ташкиллаштирилган кетма-кетликнинг эҳтимолийлиги.

Умумилмий **услубият** илмий билимларнинг йўналишлари, концепциялари ва тизимлари билан тақдим қилинади. Улар ўзларининг характерларининг универсаллик кучига қараб фаннинг ранг-баранг тармоқларида англаш фаолияти воситаси сифатида фойдаланилади.

Илмий тадқиқотда услугбиятнинг қуйидаги муҳим қўлланиладиган соҳаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- муаммони шакллантириш (илгари суриш);
- тадқиқот предметларини шакллантириш;
- илмий назарияни яратиш;
- назариянинг ҳақиқийлигини амалиётга мурожаат этиш йўли билан текшириш;
- ушбу назариядан бошқа назарияни яратишда фойдаланиш;
- олинган натижаларни талқин қилиш.

Шундай қилиб, **илмий тадқиқот услугбияти** – бу илмий билимларни шакллантирувчи тамойилларни ўзида мужассамлаштирган, унинг тузилмасини ва услубларини, олинган натижаларнинг ҳақиқийлигини текширишни ва уларнинг талқинини ўз ичига олувчи тадқиқот вазифаларига мазмунини мос келишини таъминловчи илмий билимларни (илмий-билиш фаолиятини) ташкиллаштиришнинг энг умумий шакли.

**ТТда услуг** – бу муаммоли вазият тўғрисида билим олиш ҳамда оптимал ечимларни қидириш ва ишлаб чиқишидир.

Барча услублар иккита асосда шаклланган:

- экспертларнинг билим ва тажрибаларидан фойдаланиш;
- тизимларни илмий-формаллашган тарзда тасаввур қилиш ва изоҳлаш.

**Муаммоларни тадқиқ қилишда ТТ доирасида воситалари ва услублари кенг қўлланиладиган бир неча асосий услубларни кўриб чиқамиз.**

**Улар:**

**“Мақсадлар дарахти” услуби.**

**“Ақлий ҳужум” услуби +(Синектика услуби).**

**“Дельфи” услуби.**

**Экспертлар баҳоси услублари.**

**Морфологик услублар:**


- *Тизимили ахборотли қамраб олиши услуби* ;
- *Рад этиши ва “барпо этиши” услуби;*
- *“Морфологик қути” услуби .*

## Контент-тахлил, когнитив харита, SVOT-тахлили ва хоказо.

**“Мақсадлар дараҳти” услуби.** “Дараҳт” атамаси умумий мақсадларни қуи мақсадларга бўлиш йўли билан олинган иерархияли тузилмалардан фойдаланишни назарда тутади.

“Мақсадлар дараҳти” услуби мақсадларнинг (муаммоларнинг, йўналишларнинг) нисбатан мустаҳкам тузилмасини олишга йўналтирилган. Бунга эришиш учун тузилманинг дастлабки вариантини шакллантирганда мақсадни шакллантириш қонуниятларини ҳисобга олиш ва иерархик тузилмаларни шакллантириш тамојилларидан фойдаланиш керак.

Тадқиқ қилинаётган мураккаб тизимнинг вазифалар мақсадининг сони ва турли туманлиги катта бўлганлигидан бирон-бир тахлилчи уларнинг таркибини ТТсиз аниқлай олмайди. Амалиётда қўлланилган ва қулай бўлган тадқиқот мақсади инструменти сифатида мақсадлар дараҳти қўринишидаги мақсадлар модели қурилмасидан фойдаланиш мумкин.



Мақсадлар дараҳтини қуриш мақсадларни бошқарув даражаларига ажратиш жараёнини формал равиша акс этириш учун амалга оширилади. Мақсадлар дараҳти қўмагида уларнинг таркиби, ўзаро алоқалари, тартибга солинган иерархияси изоҳланиши учун бош мақсад қуидаги қоидаларга кўра қуи мақсадларга кетма-кет декомпозиция қилинади:

- графанинг чўққисида жойлашган бош мақсад сўнги натижани ўзида мужассамлаштириши керак;
- умумий мақсадни мақсадларнинг иерархик тузилмасига ажратаётганда қуидаги шартлардан келиб чиқилади: ҳар бир кейинги поғонанинг қуи мақсадини тадбиқ қилиш юқори поғона мақсадига эришиш учун зарур ва етарли шарт ҳисобланади;
- турли поғона мақсадларини шакллантиришда исталган натижаларни изоҳлаш керак (уларга эришиш усувларисиз);
- ҳар бир поғона қуи мақсади бир-биридан мустақил ва бир-биридан келиб чиқмайдиган бўлиши керак;

- муайян усул билан олдиндан белгиланган муддат бўйича бажарилиши мумкин бўлган ишни акс эттирувчи вазифалар мақсадлар дарахти асосини ташкил қилиши керак.

Масалан, мақсадлар дарахтининг чўққисида келтирилган мақсад 1 сифатида “терроризмга қарши кураш самарадорлигини оширишни” кўрсатиш мумкин; мақсад 1.1 – “меъёрий-хуқуқий базани такомиллаштириш”, мақсад 1.2 – “кадрларни тайёрлаш”; мақсад 1.2.1 – “қадрларни ўқитиш”, мақсад 1.2.2 – “кадрларнинг малакасини ошириш” ва бошқ.

**“Ақлий ҳужум” услуби.** “Ақлий ҳужум” услуби максимал ҳажмда таклифлар олиш учун ишлаб чиқилган. “Ақлий ҳужум” услуби бўйича ўтказиладиган музокаралар давомида ҳар қандай муаммо ягона мақсад билан кўриб чиқилади, яъни янги ғояларни аниқлаш. Услубнинг моҳияти шундаки, музокара вақтида келтирилган ҳар қандай ғояга қарши муайян эътиroz ёки шубҳа билдириш таъқиқланади. Бу каби музокараларнинг шиори – “барча қатнашчиларнинг таклифлари бажонидил қабул қилинади”. Ушбу услуг биринчи бор пайдо бўлган ва ечими анъанавий, стандарт бўлмаган мураккаб муаммоларни қўриб чиқишида самаралидир. Бундан ташқари, “ақлий ҳужум” услубини қўллашга эҳтиёж, мавжуд муаммо ечими муқобиларидан бирининг фойдасига ҳал қилиш учун салмоқли асоснинг йўқлигига пайдо бўлади.

“Ақлий ҳужум” услубининг яна бир кўриниши – бу **синектика** услубидир. Унинг “Ақлий ҳужум” услубидан фарқи келтирилган ҳар қандай ғояга қарши эътиroz ёки шубҳа билдириш мумкинлиги.

**“Дельфи” услуби** эксперталар баҳоси услуби ҳисобланади. Ўзига хослиги: сиртданлиги, кўп поғоналилиги, анонимлиги. Бу услубнинг моҳияти шундаки, кетма-кет ҳаракатлар серияси – сўровлар, интервью, ақлий ҳужумлар – ёрдамида тўғри қарорни аниқлашда максимал консенсусга эришиш мумкин. Дельфи услуби ёрдамида таҳлил қилиш бир нечта босқичларда ўтказилиб, уларнинг натижаси статистик услублар билан қайта ишланади.

Услубнинг асосий тамойили шундаки, муайян ҳажмдаги мустақил эксперталар (кўпинча мустақил ва бир-бирини танимайдиган) тузилмалаштирилган шахслар гуруҳига (жамоасига) нисбатан натижани яхши баҳолайди ва прогноз қиласди. Экспертларнинг бевосита ўзаро мулоқотда бўлишини йўқقا чиқариб, қарама-қарши позицияда бўлганлар ўртасида очик тўқнашувлар юз беришини олдини олишга имкон беради ва бундан келиб чиқиб кўпчиликнинг таъсири остига тушиб қолишдан сақлайди. Экспертларни бир жойга йиғмасдан, экстерриториал сўров ўтказишга имкон беради (масалан, электрон почта орқали).

Субъектлари:

- ҳар бири индивидуал тартибда ёзма шаклда жавоб берадиган тадқиқотчилар гурухи;

- ташкилий гурух – экспертылар фикрини бир жойга жамлайды.

“Дельфи” услуги босқичлари: дастлабки, асосий, таҳлилий.

Дастлабки босқич: экспертылар гурӯхини танлаш – қанча кўп бўлса шунчак узоқ бўлади – 20 гача.

Асосий босқич:

- муаммони илгари суриш – экспертыларга савол жўнатилиб, уни қуи саволларга бўлиб ташлаш таклиф қилинади. Ташкилий гурух кўпроқ учраётганларини танлаб олади. Умумий сўровнома шакллантирилади;


- ушбу сўровнома экспертыларга жўнатилади. Улардан сўраладиган саволлар – яна нима қўшиш мумкин; ахборот етарлим; савол бўйича қўшимча ахборот борми? Натижада – қўшимча жиҳатлари бўлган, ахборот сўрови, ахборотларни тақдим қилиш жиҳатлари бор бўлган жавобларнинг 20 варианти шаклланади;

- такомиллаштирилган сўровнома янгидан экспертыларга жўнатилади. Бу ерда ҳар бир эксперт ўзининг ечим вариантини тақдим қилиш керак ҳамда бошқа экспертылар томонидан билдирилган кескин фикрларни кўриб чиқиш зарур. Экспертылар муаммоларни самарадорлиги, ресурслар билан таъминланганлиги, бошида қўйилган вазифага қай даражада тўғри келиши каби жиҳатлари бўйича баҳолашлари керак. Шундай қилиб, экспертыларнинг устуворликка эга бўлган фикрлари аниқланади, уларнинг қарашлари яқинлаштирилади. Барча экспертыларни умумий оқимдан жуда ҳам четлашиб кетган фикрларнинг далиллари билан таништирилади. Бундан кейин экспертыларнинг ҳаммаси фикрларини ўзгартириши мумкин ва тадбир қайтадан амалга оширилади;

- экспертылар ўртасида келишувга эришилмагунча ёки муаммо бўйича ягона фикрнинг йўқлиги аниқланмагунча итерациялар давом этади. Экспертылар баҳосидаги қарама-қаршиликлар сабабларини ўрганиш муаммонинг илгари пайқаб бўлмас жиҳатларини аниқлашга ва таҳлил қилинаётган муаммони ёки вазиятни ривожланишининг эҳтимолий оқибатларида дикқатни ушлаб қолишга имкон беради. Шунга асосан якуний баҳо ва амалий таклифлар ишлаб чиқилади. Одатда учта босқич амалга оширилади. Лекин, фикрлар бир-биридан кескин фарқланса, босқичлар сони кўпроқ ҳам бўлиши мумкин.

Таҳлилий босқич: экспертылар фикрининг бир-бирига тўғри келишини текшириш, олинган хулосаларни таҳлил қилиш ва якуний тавсияларни ишлаб чиқиш.

## Дельфи услуги бўйича экспертиза ўтказиш



### Услубнинг кучсиз томонлари:

- экспертнинг ташкилий груп олдида ожизлиги – ваколатларнинг жуда ҳам катталиги;
- кўпчиликнинг фикри тўғри бўлиши шарт эмас;
- креатив қарор камчиликники, кўпроқ самарали бўлган қарорлар ташлаб юборилади;
- таҳлил – вақтнинг кўп талаб қилиниши. Ҳар бир босқич учун камида бир кун талаб қилинади, демак, бу оператив таҳлил учун тўғри келмайди;
- эксперталар конформизмининг ошиши, кўпчилик қаторига киришга интилиш;
- ташкиллашган груп томонидан эксперталарни манипуляция қилиш имконининг пайдо бўлиши.

“Дельфи” услубини қўллашда учрайдиган муаммоларни ҳал қилиш йўллари:

- ташкилий групни турли тузилмалардан, илмий ва ижтимоий мактаблардан танлаш;
  - айни муаммони бошқа груп орқали ўтказиш;
  - энг оригинал қарорларни қўшимча сифатида киритиш.
- Бу оператив эмас, балки стратегик режалаштиришнинг услубидир.

“Дельфи” услуги қўлланилишини қўйидаги мисол ёрдамида тасвиirlаб бериш мумкин: денгиз нефть конлари билан шуғулланувчи компания қачон сув остида платформаларни текшириш учун ғаввозлар ўрнига роботлардан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида ахборот олишни ҳохламоқда. Ушбу услугуб бўйича прогноз қилишга киришиш учун компания қатор эксперталар билан мулоқотга киришиши зарур. Бу каби мутахассислар саноатнинг ушбу тармоғининг турли соҳалари вакиллари бўлиб, ғаввозлардан, нефть билан шуғулланувчи компанияларнинг мухандис-техник ишчиларидан, кема капитанларидан, роботларни техник хизмати билан шуғулланувчилар ва уларнинг конструкторларидан ташкил топиши керак. Уларга компания олдида турган вазифа тушунирилиб, ҳар бир мутахассисдан ғаввозлар қачон роботларга алмаштирилиши мумкинлиги сўралади. Биринчи жавоблар маълумотларни жуда ҳам катта фарқланиш билан бериши мумкин, масалан, 2000 йилдан 2050 йилга. Бу жавоблар қайта ишланиб яна экспертларга қайтарилади. Бу сафар ҳар бир экспертдан ўзининг баҳосини бошқа экспертлар томонидан билдирилган фикрлар билан танишиш орқали кўриб чиқиш сўралади. Бу тадбирни бир неча бор қайтаргандан сўнг фикрлар яқинлашиши мумкин, хусусан, 80% жавобда 2005 йилдан 2015 йилгача муддат белгиланган бўлиши мумкин. Шу нарсанинг ўзи роботларни ишлаб чиқаришни ва амалга оширишни режалаштириш мақсадлари учун етарли ҳисобланади.

Умуман, “Дельфи” услуги индивидуал сўровлар натижаларини оддий статистик қайта ишлашга асосланган услублари билан солиширганда сўзсиз устунликка эга. У индивидуал жавобларнинг барча йиғиндиси бўйича “тебранишни” (фарқлиликни) пасайтиришга кўмаклашади ҳамда гурухлар ичидаги “тебранишни” (яъни, субъектив фарқланишни) чеклади. Шу ўринда, ўтказилаётган экспериментлар натижаларига кўра, малакаси кам бўлган экспертларнинг борлиги жавобларнинг оддий ўрталаштирилган натижаларига нисбатан гурух баҳосига камроқ таъсир кўрсатади, чунки, уларга вазиятни тўғирлашга ўз гурухидан олинган янги жавоблар ёрдам беради.

**Экспертлар баҳоси услублари.** Ушбу услубларнинг асоси – кейинчалик кўпроқ тўғри келадиган вариантни баҳолаш ва танлаш орқали мутахассислардан эксперт сўровини ўтказишнинг ҳар хил шакллари бўлиб хизмат қиласи. Уларнинг аҳамиятлилиги таҳлилий жараёнларда битта экспертнинг ўрнига бирданига бир нечтасини жалб қилишнинг имкони борлигидадир. Бу эса ишни малакали ташкиллаштиришида вазиятни таҳлил қилиш, прогнозларнинг ва қабул қилинаётган сиёсий қарорларнинг сифатини сезиларли даражада яхшилашга олиб келади. Шу ўринда, гурух томонидан ўтказиладиган экспертизаларда қўлланиладиган услублар омили асосий бўлиб чиқади, чунки улар қўлланилмаса гурух томонидан ўтказилган экспертиза натижаси юқори бўлмаслиги мумкин.

Экспертлар гурӯҳи баҳоси иккита катта синфга бўлинади – бевосита ва билвосита. Бевосита методикалар катта молиявий ва ташкилий харажатлар талаб қилмайди ва шунинг учун ҳам амалиётда кенг тарқалган.

Ўз навбатида, бевосита экспертлар гурӯҳи баҳоси икки гурӯҳга бўлинади. Биринчисига музокара қатнашчиларининг ижодий салоҳиятини очиб беришга йўналтирилган услублар киради. Бу услубларни бевосита бахснинг психологик услублари деб аташ тўғрироқ ҳисобланади. Чунки уларнинг асосида экспертларнинг ижодий фаоллигини қўллаш мақсадига эга бўлган ҳар хил психологик усувлар мавжуд.

Иккинчи гурӯҳни мунозара қатнашчиларининг интеллектуал салоҳиятини очиб берувчи хеч қандай психологик усувлар ишлатилмайдиган услублар ташкил қиласди. Бу деярли оддий фикр алмашиш холос.


Экспертлар баҳоси услубининг бошқа катта гурӯхини билвосита методикалар ташкил қиласди. Гурӯхли экспертиза услубларининг ушбу синфи бевосита услубларга нисбатан кўпроқ жиддий тайёргарликни талаб қиласди. Таҳлилий фаолият кўп экспертларни иштирок этишига имкон бериши лозим. Буни эса бевосита мунозарада амалга ошириб бўлмайди. Билвосита услублар гурӯх ишининг бевосита шаклига хос бўлган қатор камчиликларга йўл қўймасликка имкон беради.

Билвосита мулоқат, масалан, “Дельфи” услубида бўлгани сингари, эксперт бошқа экспертларнинг фикрлари ва аргументлари билан танишишини, лекин шу билан бирга ким у ёки бу қарашларни билдирганини билмаслигини англаради. Билвосита мулоқат масалан, кўпроқ интернет орқали мулоқотга ўхшайди. Билвосита экспертизанинг барча вариантларининг қулайлиги яна шундаки, экспертларни бирга тўплашга хожат йўқ ва бундан келиб чиқиб, бунинг учун қулай вақтни ва жойни аниқлашга ҳам эҳтиёж йўқ.

**Морфологик услублар.** Морфологик ёндашувнинг асосий ғояси – бу ажратиб қўйилган элементларни ёки уларнинг хусусиятларини бир-бирига мослаб бир бутунлик ҳосил қилиш йўли билан муаммони ечиш мумкин бўлган вариантларини барчасини тизимли тартибда топиш ва кўриб чиқиши демакдир.

Морфологик таҳлил услуби тизимлаштирилган кўринишда биринчи бор 1934 йили келиб чиқиши швейцариялик бўлган америкалик олим Ф.Цвикки томонидан тақдим қилинган. ТГ назариясида ушбу ёндашув айнан шундай, яъни “Цвикки услуби” деб номланади.

Бизга ушбу услубнинг асосий учта тури маълум.



**1. Тизимли ахборотли қамраб олиш услуби** тадқиқ қилинаётган соҳадаги билимлар таянч пунктларини ажратиб кўрсатишга ва айрим шаклланган фикрлаш тамойиллари хисобига билимлардаги бўшлиқларни тўлдириш учун фойдаланишга асосланган. Мисол тариқасида тъкидлаш мумкинки, битта кўриб чиқилаётган муаммо бўйича қатор фикрлар ёки ғоялар (гипотезалар) келтирилади ва уларнинг ҳар бири бўйича тизимли равишда ахборот тўпланади. Ҳар бир илгари сурилган гипотезани кўриб чиқишида бўш қолган жойни зарур бўлган ахборот билан тўлдириш натижасида аста секинлик билан кўрилаётган муаммо бўйича керак бўлган ахборотлар тизими шаклана бошлайди. Барча тадқиқот ишларида бўлгани каби, охирида барча илгари сурилган гипотезалар ёки уларнинг бир қисми ўз тасдигини топиши мумкин. Шундай қилиб, ушбу услугу таҳлилчига етарли ва бирламчи маълумотга эга бўлмаган муаммони тадқиқ қилишга қўмаклашади.

**2. Рад этиш ва "барпо этиш" услуги** айрим тахминларни шакллантиришга ва уларни қарама-қарши бўлганларга алмаштиришга, кейинчалик бунинг оқибатида мос келмаган ҳолатларни таҳлил қилишга асосланади. Мисол тариқасида импорт қилинадиган писта ёғига нархни шаклланишини кўриб чиқамиз. Агар ушбу маҳсулотнинг таннархи ишлаб чиқарувчи давлатда 25% ошса (хом ашёнинг ошганлиги сабабли), экспорт қилувчи мамлактда божхона тўлови эса 10% кўтарилиган бўлса, у ҳолда ички истеъмолчи бозорда писта ёғи нархи 35-40% ошади. Ушбу маҳсулотнинг ижтимой аҳамиятлигини инобатга олган ҳолда таҳлилчилар ички бозорда нархни пасайтириш мақсадида божхона тўловини (импорт ставкасини) нолгача тушириш ғоясини илгари суришади, бу эса уларнинг фикрича нархларнинг 10% гача камайишга олиб келиши керак. Бироқ, ички бозордаги нархларни шаклланиш тенденциясини кузатиш тажрибаси бошқа эҳтимолий ҳолат юз бериши тўғрисида далолат бермоқда. Хусусан, маҳсулотга бўлган нархнинг шаклланиб бўлган ҳолатида божхона тўловини 10% камайиши уларнинг нархларни пропорционал пасайишига олиб келмайди, яъни нархлар 4-6% га пасайиши мумкин холос. Ушбу мисолда тахмин сифатида божхона тўловини 10% га (яъни 0% гача камайтириш) пасайтиргандан кейин ички бозорда нархларнинг эҳтимолий пропорционал камайиши илгари чиқмоқда,

юзага келган номутаносиблик бўлиб эса – нархларни бор йўғи 4-6% пасайиши бўлмоқда.

**3. “Морфологик қути” услуби** – услубнинг моҳияти такомиллаштирилаётган объект курилмасидан (унинг морфологиясидан) келиб чиқадиган барча мумкин бўлган вариантларни тадқиқ қилишда. Шунинг учун у бир мунча ғалати бўлган “морфологик қути” услуби номини олган.

Услубни тадбиқ қилиш уч босқичда амалга оширилади:

Биринчиси – объектни муҳим функционал боғларга бўлиб ташлаш.

Иккинчиси – барча боғларни мустақил равишда кўриб чиқиш ва улар учун барча мумкин бўлган ечимларни танлаб олиш.

Учинчиси – якуний жадвални тузиш (морфологик қути).

Ҳар бир функционал боғ учун алоҳида графа ажратилиб, у ерда унинг барча эҳтимолий ечимлари санаб ўтилади. Бу графалар морфологик кутининг ўқи хисобланади. Агар ўқлар учта бўлса, у ҳолда биз одатий бўлган уч ўлчамли қутини оламиз. Унда тизим яратишнинг барча вариантлари берилади. Натижада вариантларни бир-бири билан таққослаб ичидан тўғри келадиганини танлаб олиш қолади.

**Бунда муаммони ҳал этиш услуби сифатида экспериментнинг имкониятларини ва чекланишларини кўриб чиқиш мақсадли бўлади.**

Табиий фанлар соҳасида олимларнинг вазифаси табиатни ўрганишда. Олимлар томонидан билим ва қасбга оид услублардан фойдаланиш орқали ушбу вазифани бажариш мумкин.

Масалан, физик ўзининг кузатиш ва ўлчаш бўйича маҳсус малакасини қўллаб, сабаб ва оқибат алоқаларини тадқиқ қиласди. Фараз қилайлик, муайян вазиятда сабаб ва оқибат ўртасидаги муносабатни осонлик билан аниқлаб бўлмайди. Бундай ҳолатда **экспериментатор** ҳодисанинг ишлаб турган модели тузилмасини эксперимент қилишга келади. Бунда унинг ўзи кузатувчи ролини ўйнайди. У эксперимент учун зарур бўлган шароитни бажаради. Қайта ишлаш мосламаларидан фойдаланиб, қайта ишлаш синхронлигини қўлловчи воситадан ва натижаларни ёзиб бориш учун мосламадан фойдаланиб айрим киришларни беришни таъминлайди. Натижани кўриб чиқиш вақтида экспериментатор ўрганилаётган жараёнда нима содир бўлганини аниқлайди ва ўзининг жисмоний оламни тушуниши билан боғлайди.

Экспериментатор ўз ишини салбий ёки ижобий чиқганлигидан келиб чиқиб **қайтариши** мумкин. Даставвал, у эксперимент натижаларини тақдим қилиш мумкинми ёки йўқми, шуни аниқлашга ҳаракат қиласди. Бироқ экспериментатор натижада узоқлашишларни ва ўзгаришларни кузатиш учун жараёнларни ва услубларни ўзгаришидан бир хил манфаатдор. Натижаларни кузатар экан у олам ва ўзининг бошланғич натижалари тўғрисида кўпроқ нарсани билиб олиши мумкин. Охир оқибат

экспериментатор ўрганилаётган предметнинг яширин моҳиятларига таъсир ўтказиш имкони борлигини билиши мумкин.

Бироқ, шу вақтгача давлат бошқаруви **тизими**, экспериментлар ўтказиш оддий ҳол бўлган илмий оламдан фарқли ўлароқ, экспериментларни ўтказишга ҳеч қачон муҳтожлик сезмаган.

Биринчи экспериментлар меҳнат ва техник маълумотларни қайта ишлаш учун ҳисоблаш машиналарини ишлатган ташкилотларда бошланган. Ҳисоблаш машиналари экспериментларни самарадорлигини ёки фойдасини оширувчи уларни англаб етиш тузилмасини топишга имконини йўқлиги кўплаб ташкилотлар учун каттароқ **қийинчиликлар** келтириб чиқарувчи ҳолат бўлиб қолган. Экспериментнинг қимматлилиги шубҳа остига олиниши мумкин бўлган сабаб бу тузилмалар очик тизимлар бўлганлиги.

Тузилманинг **очиқлиги** шундаки ушбу ҳолатда фаолият юритиш учун тузилмалар на фойдали ва на қимматли бўлган ҳар хил тасодифий киришларни қабул қилиши ва фильтрдан ўтказиши шарт.

Тизимлари тасодифий киришдан нисбатан эркин ва барча нисбатан камроқ бўлган муқобилларни ўз ичига олувчи тизимларга эга бўлган физиклардан фарқли ўлароқ, **замонавий раҳбар** оламда ўз мажбуриятларини бажаради. У бошқа бўлади ва ҳар бир кунни мураккаблаштиради.

Бунинг устига, мансабдор шахсларнинг муаммолари физикларнинг муаммоларидан тубдан фарқ қиласди. Мансабдор шахс мантиқий бўлмаган, кетма-кетлиги йўқ ёки эркин ҳолатлар сифатида тавсифловчи ҳодисаларга ҳам дуч келади.

Шунга қарамасдан давлат бошқаруви тизими, муаммони ҳал қилиш учун физикларнинг айрим усусларини қўллаган ҳолда иш юритишни яхшилаши мумкин. Ҳар қандай катта қўламдаги муаммони кўриб чиқаётган ҳар бир мансабдор шахсда буюк табиий синовчилар билан муайян умумийлик мавжуд.

Масалан:

1. Деярли барча мансабдор шахслар ҳодисаларни кузатиш ва ахборотлар аниқлиги билан боғлиқ муаммоларга дуч келади.

2. Ҳар бир мансабдор шахс ахборот мазмунини уни қандай тушунтирилишига қараб англаб етади.

3. Ҳар қандай муаммонинг таҳлили ахборотнинг ва уни олиш усулининг ҳаққонийлигини шубҳа остига олиши мумкин.

4. Агар ахборотнинг аниқлиги ёки ҳаққонийлиги сўров остига олинса, мансабдор шахс ушбу ахборот асосида олинган хулосанинг ҳаққонийлигини аниқ шубҳа остига олади.

5. Мансабдор шахслар ушбу вазиятга хос бўлган муносабатлар сабаби ва оқибатини нотўғри тушуниши оқибатида юзага келган муаммолар билан вақти-вақти билан холис таниша олади.

Шундай қилиб, давлат бошқаруви соҳасида муаммоларни ечишнинг умумий илмий-йўналтирилган услубиятини қўллашга имкон борлиги аниқланди. Масала шундаки, тўлиқ тузилмалаштирилмаган очик оламда

муаммоларни ечиш механизмини такомиллаштиришнинг имкони борлигини тадқиқ қилишдир.

### **Тизимли таҳлилда экспериментал услуг**

Ходисаларни формаллаштирилган таҳлили экспериментнинг классик жараёнида мужассамлашган. Ходисанинг кириши ёки натижалари маълумотлар деб аталиши мумкин. “Маълумот” атамаси жараёнга киритиладиган ёки ундан олинадиган катталик, сон ёки муносабат сифатида аниқланади. Маълумотлар сонли бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, далиллар, тамойиллар, тасдиқлар ёки бошқа материалларга асосланувчи аргументлар ҳам маълумотлар сифатида кўрилиши мумкин.

Ахборот маълумотларни таҳлилидан олинган билим сифатида белгиланади. Ходисаларни кузатиш орқали олинган маълумотлар англаб этиш орқали қайта тузилиши мумкин. Фақат улар нотўғри талқин қилинмаган ёки фундаментал тарзда ўзгартирилмаган ҳолда тақдим қилиниши мумкин. Тадқиқотчи мавжуд маълумотлардан воқеликнинг моҳиятини чиқаради ва унинг ёрдамида ноаниқ бўлган ҳолатни изоҳлайди. У маълумотлар қўйилган шартларни таъминлай оладими ёки йўқми, айнан шуни аниқлашга ҳаракат қиласиди. Шарт-шароит барча керак бўлган ҳолатларни (улар чеклаш ва изоҳлаш орқали тизим тавсифини аниқлайди) ташкиллаштиради.

Экспериментатор маълумотлар ва шарт шароитлар комбинацияси, ҳодисаларни яхлит ёки ноаниқликни акс этадиган бир қисмини тушунтириш учун етарли ёки етарли бўлмаганлигини аниқлашга ҳаракат қилиши мумкин. Ушбу жараён давомида у моделларни тузиши, ўз экспериментларини қайтариши, кўпроқ маълумотлар тўплаши, маълумотларнинг тўлиқ танлови ичida мосликни текшириши ва ноаниқликларни қайта кўриши мумкин.

Чексиз такрорланишлардан фарқли ўлароқ экспериментатор ўхшаш, лекин ўхшаш маълумотлари шубҳа уйғотмайдиган ҳал қилинган муаммога ёки бўлмаса ўхшаш шарт-шароитга (маълум бўлган жараённинг мажбурловчи алоқаларини аниқловчи) мурожаат қилиши мумкин. Шундай қилиб, бу ерда муаммонинг дастлабки ёндашув нуқтаси белгиланади: янги муаммонинг ечими эски муаммонинг ечимида бўлиши мумкин. Ечимни топиш учун экспериментаторга зарур бўлган ягона қалит маълумотларни ўрганиб чиқишининг махсус усули бўлиши мумкин. Ёки бўлмаса, у ечимни янги муаммога илова қилинган, яхши таниш бўлган, мураккаб муносабатлар қаторида кўриши мумкин. Янгича тушунча билан “қуролланган” экспериментатор янги ёндашувни кўллаши ва ишни янги йўналишга қўйиши мумкин.

Шунга қарамасдан уни ушбу ҳолатда муваффақиятсизлик кутиши мумкин. Кўлдан келган барча нарсани қилдим деб ўйлаб экспериментатор муаммони ўта катта ҳажмли деб ҳисоблаши оқибатида, бир усулда ҳал қилиш мумкин эмас деган тўхтамга келиши мумкин. Шунда у муаммони тадқиқотга тўғри келадиган майда қисмларга ажратади. Бунда экспериментатор мураккаб бўлган бир ҳодиса ўрнига содда бўлган бир неча ҳодисалар билан

самарали ишлаш имкониятига эга бўлади. У муаммони қисмларга бўлиб ўз муаммоси тўғрисида кўп нарсани билиб олиши мумкин. Буниа эса кўп босқичли жараённинг охирги натижаси бўлган фақатгина кузатиш йўли билан тушуниб олиш қийин бўлар эди. Ечимни тадқиқ қилишнинг ушбу босқичида муаммонинг бир қисми ўз-ўзидан маълум бўлиб қолганда, унинг бошқа қисмлари ўз ечимини топмаган бўлиб қолаверади. Доим шундай бир эҳтимол мавжуд бўладики, унда муаммонинг муайян қисми сўнгги ечимдан чексиз четланиб қолаверади.

Бироқ экспериментаторда бошқа **муқобиллар** ҳам мавжуд. У маълум бир вақтга ўзини қизиқтираётган муаммони четга суреб қўйиб, ўзига яқин бўлган муаммоларга (экспериментаторга фойдали натижалар келтириши мумкин бўлган муаммоларга) “хужум” қилиши мумкин. Таниш муаммо билан ишлаш экспериментаторни ечимни тўлиқ таъминлаб берувчи бевосита ёки билвосита фикрлар билан таъминлаши мумкин. Бироқ, бунда ҳам муваффақиятсизликка учраганда у ноаниқликни тизимли равишда ўзгартириши мумкин ёки бўлмаса мос келмайдиган натижаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган шарт-шароитларни алмаштириши мумкин. Эксперимент жараёнида ноаниқликларни, шарт-шароитларни ёки ҳар қандай бошқа қисмларни ўзгартириш ишлари назорат остида амалга оширилиши керак. Экспериментатор жараёнларда юз бераётган ўзгаришларни ёзиб боришни тўлиқ ва аниқ ҳолда сақлаши ҳамда уларнинг экспериментал натижаларга таъсирини ҳисобга олиши шарт. Шунингдек, у ўзи томонидан қўшилган ёки чиқариб ташланган жараёнларни ва бунинг оқибатида пайдо бўлган ёки ғойиб бўлган ҳодисаларнинг элементларини идентификация қила билиш қобилиятига эга бўлиши шарт.

Юқорида изоҳланган услубнинг умумий тузилмаси “синаш ва хато” услуги назорати асосида ўтказиладиган ҳолатга ўхшаш. Бунда восита бўлиб методик равишдаги итератив жараён ҳисобланади. У экспериментал натижаларни маълум ва номаълумлар билан таққослайди. Эксперимент қуйидаги **чеклашлар** асосида ўтказилади: экспериментатор мақсадларнинг ўзгармас ҳолатини ва экспериментнинг мажбурлов алоқаларини сақлаб қолган ҳолда ўз муаммосини тадқиқ қиласди. Экспериментатор белгиланган жараёнлардан фойдаланади ва унча катта бўлмаган эркинликка эга бўлади. Бундай эркинлик экспериментаторга ўзининг экспериментал жараён натижаларини фақат тизимли ўзгартиришга имкон беради.

#### **4. Тизимли таҳлилда мақсадларни ва мезонларни аниқлаш усуллари**

Мезон восита ҳисобланади. Унинг ёрдамида муқобиллик ўлчанади ёки танланади. Мезон ТТ бўйича мутахассисни ўзи афзал деб билган ҳолатнинг мантиқийлигини кўрсатишга ундейди. Мезон муқобилнинг нисбий эришишини бошқа чоралар (вақт, нарх ёки самарадорлик) атамаларида намоён қиласди. Мезон бу стандарт, унинг ёрдамида танлашнинг нисбатан фойдалилиги тўғрисида бир тўхтамга келиш мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий тизимнинг бугунги ҳолати ушбу шароитга қарама-қарши бўлган вазифани қўйиши мумкин. Масалан, бозорни ҳаммабоп товарлар билан тўлдиришни таъминлаш учун арzonроқ нархда кўпроқ маҳсулот олиш вазифаси қўйилиши мумкин. Бу бир-бирига зид бўлган шароитdir, чунки “кўпроқ маҳсулот” талаб қилишда бозор томонидан маҳсулотни 100 фоизли истеъмол қилиниши тўғрисида маълум даражада таклиф мужассамлашган. Бундан ташқари, маҳсулотни катта ҳажмда кўпайтириш қўшимча заводларни, ускуналарни, ишчи кучини ва бошқа чиқимларни талаб қилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида ҳақиқатдан ҳам нархнинг (доимий ва ўзгарувчан) кўтарилишига олиб келиши мумкин. Маҳсулотнинг ўсишига “битта завод доирасида энг кўп ўсиш” сифатида чегара белгилаш мумкин.

Агар “арzonроқ нархда” жумласига “тўғри келадиган сифат, мавжуд ускуна ва ходимлар билан келишилган арzonроқ нарх” маъноси берилганда, унга эришишнинг имкони бўлар эди. Энг кам нарх ҳар бир буюмда инсон-соат кўринишида ифодаланиши мумкин бўлган бир пайтда муайян иш вақтига нисбатан бирликларда ифода этиладиган энг кўп маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсад сифатида белгиланиши мумкин.

Бу мисол мезон мақсад сифатида нотўғри ишлатилаган ҳолатни кўрсатади. Мақсад кўп мажбурловчи алоқалардан уни англаb етилган бўлишини талаб қиласи. Мезоннинг асл мақсади “мақсадни ўзгартириш” эмас, балки афзалликни текширишдан иборат. Бундай текширишлар тизим конструкциясини яратиш ва муаммони ечиш жараёни учун восита ҳисобланади.

Афзалликни ишлаб чиқаришда қўлланилишини овоздан тез бўлган транспорт воситаси мисолида тасвиirlab текшириш мумкин. Тасаввур қилайлик, раҳбарият қуидаги мезонни белгилади: самолётнинг ўлчами қандай бўлиши бўйича қарор қабул қилиш самолёт оғирлигининг йўловчилар сонига нисбатан солиштирганда келиб чиқадиган кўрсаткичга асосланади. Табиийки, катта самолёт кўп йўловчиларни ташийди, “кўп йўловчи” дегани эса “катта даромадни” англатади. Бу мезоннинг биринчи камчилиги унинг тўлиқ бўлмаганлигига. Раҳбарият бу мезонни қўллаш натижасида қандай қарорга келишини кўрсатмаган; самолёт ўлчами унинг оғирлигига, тўлиқ оғирлигига, сигимига, узунлигига ва бошқа жиҳатларига нисбатан айтилган бўлиши мумкин. Транспорт самолётларининг конструкциясини яратиш билан таниш бўлган инженерлар битта мезоннинг ўзи кифоя эмаслигини таъкидлашади.

Масалан, катта, оғир самолётларни таҳлил қилиш имкониятини таъминлаш учун бу мезонда ҳар бир километр учун қилинган ҳаражатлар инобатга олинмайди. Ушбу ягона мезон асосида конструкцияси яратилган самолёт оғирлиги 500 тонна бўлиши ёки 1000 йўловчи олиши мумкин эди. Қайси нуқтада ихтирочи тўхташи керак? Овоздан тез транспорт воситасининг кўриб чиқилиши талаб қилинадиган бошқа тавсифлари ҳам мавжуд: тезлик, миқдор ва двигателнинг тортишиш кучи, хавфсизлик, ташки

қопламани танлаш, самолётнинг конструкцияси, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган вақт ва бошқ.

**Мезонларни танлаши муаммосини ҳал этишига имкон берадиган иккита асосий усул мавжуд:**

•**биринчиси**, катта мураккаб муаммо худди шундай кенг мезонлар ёрдамида аникланиши кераклигини талаб қиласди, яъни ўз моҳиятига кўра мураккаб тизим бўлган концептуал муаммони ҳал қилиш ва қўриб чиқиш учун концептуал ёндашувлар зарур. Масалан, ишсизлар сонининг ошиши муаммоси. Бу ерда муаммони демографик жараёнларни назорат қилиш билан ҳал қилиш мумкин деб ҳисоблаш унчалик тўғри эмас. Чунки демография масаласининг ўзи ишсизлик муаммосидан анча кенг бўлиши мумкин. Бундан келиб чиқиб, демографик муаммосининг ҳал қилинганлик мезони ҳар доим ҳам ишсизлик муаммосини ҳал қилиш мезони бўлиб хизмат қилмайди.

•**бошқа усул** катта мураккаб тизимни катта бўлмаган гурӯҳларга бўлиб, ҳар бир гурӯҳ учун тўғри келадиган “тор” мезонларни конструкциясини яратишдан иборат. Масалан, олий таълим тизими. Мезонларни ушбу тизим фаолиятини ташкиллаштириш йўналишлари (моддий-техникавий, кадрлар, ҳуқуқий ва бошқ. йўналишлар) бўйича катта бўлмаган гурӯҳларга бўлиб оламиз. Олий таълим тизими фаолиятини ташкиллаштиришнинг йўналишлари бўйича алоҳида катта бўлмаган гурӯҳларга ажратиб олганимиздан кейин уларнинг ҳар бири учун тор доирада бўлган мезонларни ишлаб чиқамиз. Натижада, ечим мезонининг бу кўринишдаги шакли тизимнинг битта алоҳида олинган йўналиши бўйича бўлган муаммо ҳал қилинганлиги тўғрисида фикр юритишга асос бўлади.

Ҳар бир ҳолатда муаммолар у билан таққосланадиган тизимга қараганда ҳар бир баҳоланаётган тавсифи бўйича юқорироқ бўлган тизимни топиш билан ҳал этилади. Кўп ҳолатларда таққослаш асосида, тавсиф кетидан тавсиф, ҳар бир тизимнинг “камчилик” ва “афзаллик” томонларини “тарозига” солиб кўриш керак. **Вақт, нарх ва самарадорликни** уч ўлчамли баҳолаш қайси тизимга хоҳиш берилиши кераклигини аниқлашга ёрдам беради.

Самолёт вазни ва йўловчилар сони билан боғлиқ мисолда мақсад овоздан тез самолётга таъсир кўрсатувчи ҳар бир тавсифни баҳолаш эди. Тизимларни таҳлил қилиш бўйича мутахассис учиш тавсифларини ишлатиш нархини ва ҳар хил жисмоний конструкцияларни қўриб чиқиш йўли билан овоздан тез учиш мақсади қай даражада эришилиши мумкинлигини аниқлайди. Ҳар бир ҳолатда самолётнинг турли вазинлари ва йўловчилар салони конфигурацияси учун баҳолаш диапазони ишлаб чиқилиши керак. Ушбу асосда муайян конструкция танланиши ёки танланмаслиги мумкин.

## **5. Тизимли таҳлилнинг ўзига хослиги комплекс муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш услуби сифатида**

Комплекс муаммоларни ҳал қилиш учун ТТдан фойдаланишининг 3 афзаллиги мавжуд.

**Биринчидан**, тизимли концепция муаммонинг ҳам умумий, ҳам маҳсус сифатларини белгилашга имкон беради. Қарор қабул қилувчи шахс одатда муаммони ҳал қилишда тизим ғоясини қўлламайди. Қоидага кўра, улар аниқ бир ҳолат учун муаммони алоҳида ҳал қилиш жиҳатларини топади.

Агар муаммолар ўртасидаги ўхшашлик фақат юзаки бўлганда, қарор қабул қилувчи шахс текширилган қарорни қўллашда эришиши мумкин бўлган муваффақият муайян даражада чегараланган бўлади.

Тажрибадан биламизки, кўплаб янги муаммолар вазиятларнинг ўзгарганлигига қарамасдан эски ечимлар ёрдамида ҳал қилиниши мумкин. Қарор қабул қилувчи шахс муаммони ҳал қилиш жараёнида янги муаммонинг эскиси билан ўхшашлик даражасини баҳолаши керак. Айнан баҳолаш натижаси янги ёки эски қарор қўлланилиши кераклигини аниқлаб беради.

Бироқ ўрганилаётган шароитда ўхшашликни аниқлаш учун бизнинг ихтиёrimизда кам воситалар бор. Айрим ҳолларда муаммоларни ва ечимларни солиштириш қийин. Бу ўхшаш муаммолар вақт жиҳатидан ажратилганлиги ёки қарор қабул қилинадиган вазиятларга муҳтожлиги сабабли амалга ошиши мумкин. Муаммони ҳал қилиш таъсир кўрсатувчи омилларни пухта кўриб чиқишига жуда ҳам боғлиқ. Бу омиллар ҳар доим ҳам яхлит муаммо билан бевосита боғлиқ эмас.

Энди тизимли услугиятнинг қўлланилиши фойдасига бўлган **иккинчи далилни** кўриб чиқамиз. ТТ қабул қилинган қарор охири нима билан тугашини ёки оралиқ натижани тўғри аниқлашга имкон беради.

Охири нима билан тугашини аниқловчи ечим оралиқ натижаларга ва муқобилларга алоқаси бўлмаган якуний натижаларни изоҳлайди.

Якуний натижани аниқловчи ечимнинг акси – бу жараённи ва унинг оралиқ натижаларини аниқловчи ечим сифатида тавсифланиши мумкин бўлган ечимдир.

Якуний натижани аниқловчи муаммони ҳал қилишнинг фойдали томони шундаки, кўп ҳолатларда масъул раҳбарлар вазият талаблари босими остида (“сўровномага асосан”) сон-саноқсиз қарорлар қабул қилиши керак. Жараённи аниқлаб берувчи ечимни ишлаб чиқиш кўпроқ вақтни талаб қилганлиги сабабли, уларни фақат “сўровномалар асосидаги” ечимларни талаб қилмайдиган муаммолар учун қўллаш тенденцияси юзага келади.

Ечимлар формал аппарат ёрдамида ўрганишни талаб этади ҳамда якуний натижани аниқловчи ечимга нисбатан нархи қиммат ва кўп вақтни талаб қиласди. Улар шу тарзда эҳтимоли катта бўлган ва раҳбар фақат тўлиқ асосланган хулосани олгандан кейингина маблағларни “тикишга” рози бўлган катта кўламдаги, мураккаб муаммолар ечимига қилинган иловалардан ўрин эгаллайди.

Тизим ғоясини қўллаш фойдасига бўлган **учинчи** фикр шундаки, тизимли ёндашув муаммоларни ечиш учун уларни ташкиллаштиришга имкон яратадиган объектив стандартни яратишга ёрдам беради.

Объектив стандарт – бу универсал воситадир. У аниқ қоидаларни ёки тамойилларни ўз ичига олган белгиланган мезонлар атамасида муносабатлар қандай бўлиши кераклигини аниқлашга имкон беради. Объектив стандарт муаммонинг мазмунига чуқур кириб боришга имконият беради ва шу билан мега тизим кўринишларини умумлаштиришга кўмаклашади.

Физика нуқтаи назаридан, объектив стандарт ҳар қандай жойда маънога эга бўлиши ва намойиш қила оладиган бўлиши керак. Ҳамда у вақт синовларига ва бошқа шахслар томонидан ўтказиладиган кўп каррали текширишларга бардош бериши керак. Объектив стандарт унинг асосида намойиш қилина олинадиган далилларнинг борлиги билан фойдалидир.

Агар ечимнинг хато эканлигини экспериментал текшириш йўли билан исботлаб бўлмаса, у ҳолда ҳар бирига тадқиқотчи, маълум даражада, ишонадиган ҳақиқатдан бўлган конструкция сифатидаги ечимнинг шакллантирилиши оқланган деб ҳисобланади. Ушбу ҳақиқатлар охир оқибат қонунлар ёки аксиомалар деб номаланиши мумкин.

Ишбилармонлик оламида, ҳарбийлар ёки хукумат идоралари фаолиятида бу турдаги қонунлар кам ёки умуман йўқ. Агар бундай қонунлар мавжуд бўлса ҳам уларни аниқлаш қийин. Агарда қонунга ўхшаш ҳолат аниқланса, унинг қўлланилиши муайян бўлган алоҳидаги соҳа билан чекланган (масалан, фақат ишлаб чиқариш, айрим географик ҳудуд ёки жараён билан чекланган).

Тизим ғояси алоҳида ҳодисаларни ўрганиш учун мўлжалланмаган, балки ушбу вазият жараёнини ва унинг ҳолатининг муҳитини келтириб чиқарувчи тўлиқ комплекслар воқеалар ўрганади.

Объектив тарзда ўрнатилган қоидалар тизими йифиндиси призмаси орқали кўриб чиқиладиган фаолият тизим кўринишига эга бўлади. Комплекс тавсифга эга бўлган вазифаларни ўрганувчи ТТ бўйича мутахассис фаолият жараёнининг объектив тузилмасини кўришга мувофақ бўлади.

Унинг мақсадига тизим тавсифларини аниқлаш ва муайян сифатлар билан уларни солиштириб кўриш киради. Бу тавсифлар тизимли параметрлар деб номланади.

Параметрлар бу мезонли тизимнинг (ёки компонентнинг) ҳар бир сифатига миқдорий баҳо берадиган эркин ҳолатдаги ўзгармаслардир. Параметр сифати бу ушбу операцион вазиятда параметрга берилган аниқ ўлчамдир.

***Бундан шу нарса келиб чиқадики, муаммони ечиш услугияти қўйидагиларга имкон бериши керак:***

- 1) муаммони ечишнинг умумий жараёнини функционал ташкиллаштирувчи тизимни белгилаш;
- 2) муаммони ечиш учун зарур бўлган тузилмага эга тизим параметрларини аниқлаш;
- 3) муаммони ечиш жараёнининг муқобил “чиқишлигини” итерация қилишга ёрдам берадиган тизим моделини ва унинг имкониятларини изоҳлаш.

Тизимли таҳлил анча қадимий бўлишига қарамай унинг ўзи нисбатан ёш фан ҳисобланади (масалан, кибернетика билан ёшини таққослаганда). У фаол ривожланишига қарамай уни тарифловчи тушунчалари ва иборалари етарлича шакллантирилмаган. ТТ ўз ичига тадқиқотнинг хусусий ва умумий услубларини ва жараёнларини олиб ҳар қандай предметли соҳада қўлланилиши мумкин.

Юқорида келтирилганларни инобатга олган ҳолда ТТ тарифида ТТ қўйидаги функцияларни бажаришини алоҳида белгилаб қўйиш мумкин:

- аниқланиши ва алоҳида услублар билан ҳал қилиниши мумкин бўлмаган муаммоларни ечишда қўлланилади, яъни булар қарор қабул қилиш ҳолатининг ноаниқлиги билан боғлиқ муаммолар бўлиб, уларни ечишда нафақат формал услублар, балки сифат жиҳатларини таҳлил қилиш услублари, қарор қабул қилаётган шахсларнинг интуицияси ва малакаси ишлатилади;
- ягона методика қўмагида ҳар хил услубларни бирлаштиради ва илмий қарашларга асосланади;
- ҳар хил соҳа мутахассисларининг билимларини, фикрларини ва интуицияларини бирлаштиради ҳамда маълум фикрлаш тартибига риоя қилишга мажбурлайди;
- асосий эътиборни мақсадларга ва мақсадларни шакллантиришга қаратади.

ТТ ахборот-таҳлилий фаолиятни ташкиллаштиришда ахборот-таҳлилий фаолиятни ўзини ташкиллаштириш жараёнини тартибга солишга хизмат қиласи ҳамда муаммони тизим сифатида қабул қилиш йўли билан унинг барча таркибий қисмларини, омилларни ва муҳитни ўзаро мантиқий боғликлигини таъминлаб тартибга солишга имкон беради.

Умуман, ТТ методикаси қарор қабул қилувчи шахсда бошланғич босқичда муаммоли вазият тўғрисида уни формал қўринишида тасаввур қилиш услубини танлашга, математик моделни шакллантиришга ёки моделлаштиришга нисбатан ўзида миқдорли ва сифатли усулларни мужассамлаштирувчи янги ёндашувлардан бирини қўллашга имкон берувчи етарли маълумотларнинг йўқлиги ҳолатларида ишлаб чиқилади ва қўлланилади. Бундай шароитларда объектларни тизим қўринишида тасаввур қилишга моделлаштиришнинг ҳар хил услубларидан фойдаланган ҳолда қарор қабул қилиш жараёнини ташкиллаштириш ёрдам бериши мумкин. Бундай жараённи ташкиллаштириш учун босқичлар кетма-кетлигини аниқлаш, ушбу босқичларни бажариш учун тегишли услубларни таклиф қилиш ҳамда керак бўлганда олдинги босқичга қайтиш заруриятини назарга олиб қўйиш керак. Муайян тарзда ажратиб олинган ва тартибга солинган босқичларни, таклиф қилинган ёки усуллар билан уларни бажаришнинг бу каби кетма-кетлиги ТТ методикасини ўзида мужассам этади.

*Шундай қилиб, ТТ методикаси мураккаб муаммоли вазиятларда қарор қабул қилиши жараёнини ташкиллаштириши учун ишлаб чиқилади. У таҳлилнинг тўлиқлигини асосланиши кераклигига, қарор қабул қилиши*

*моделини шакллантиришига, күрилаётган жараён ёки объект түгри акс этаётганига йўналтирилган бўлиши керак.*

*ТТ методикасининг асосий ўзига хослиги уларда формал услублар ва формаллашмаган маъноларнинг уйғунлашганлиги ҳисобланади. Охиргиси муаммонинг ҳал қилинини формал моделда бўлмаган янги йўлларини топишга ва шу тарзда қарор қабул қилиши моделини ва жараёнини тўхтосиз ривожлантиришига ёрдам беради, бироқ у бир вақтнинг ўзида айrim ҳолларда ечилиши мушкул бўлган қарама-қаршиликларнинг, парадоксларнинг манбай ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун, ТТ бўйича тадқиқотлар ўтказиш борган сари кўпроқ амалий диалектика услубиятига асосланмоқда.*

*Шу ўринда қайд этиш керакки, ТТ бўйича қўлланма бўла оладиган универсал методиканинг ўзи йўқ. Бу каби методика тадқиқотчида тизимни тадқиқ қилиш жараёнини формаллаштиришга, хосил бўлган муаммони аниқлашга ва ҳал қилишга кўмаклашувчи тизим тўғрисидаги маълумотларнинг етарли бўлмаган шароитда ишлаб чиқилиб тадбиқ қилинади.*

## **Назорат саволлари**

1. Тизимли таҳлил нима?
2. Тизимли таҳлилнинг предметли соҳасига нималар киради?
3. Асосий тизимли услублар ва жараёнлар қандай?
4. Тизимли таҳлил услубият фани сифатида.
5. Тизимли таҳлилнинг ўзига хос жиҳатларини айтинг.
6. Мураккаб тизимларнинг ўзига хослиги нимада?
7. Услуб услубиятдан нима билан фарқ қиласди?
8. “Мақсадлар дарахти” услубининг ўзига хослиги нимада?
9. “Делфи” услубининг ўзига хослиги нимада?
10. Экспертлар баҳоси услубларидан қайси бирини биласиз?
11. Морфологик услубларининг асосий ғояси нимада?
12. Экспериментал услуб моҳиятини очиб беринг.
13. Тизимли таҳлилни мураккаб муаммоларни таҳлил қилиш услубияти сифатидаги ўзига хос жиҳатларини айтиб беринг.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Самаров Р.Ю, Раджабов А... Сиесий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). Тошкент, 2010.

2. С.Жўраев, А.Хасанов... Илмий тадқиқот методологияси. Т.2014.
3. Системный анализ и аналитические исследования: руководство для профессиональных аналитиков / А.И. Ракитов, Д.А. Бондяев, И.Б. Романов, С.В. Егерев, А.Ю. Щербаков; [отв. ред. А.И. Ракитов]. - М., 2009. - 448 с.
4. Системный анализ и принятие решений: Словарь - справочник. Учебное пособие для вузов / Под ред. В.Н. Волковой и В.Н. Козлова. - М.: Высшая школа, 2014. -616 с.
5. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойихалаштириш ва режалаштириш. Т.: “Иқтисодиёт”, 2011. – 208 б.
6. Methods of Teaching. Course Gulde. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012. -P.44-65.
7. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler. -P.94-118.
8. Ишмуҳаммединов Р. Таълимда инновация. – Тошкент: «Фан», 2010.
9. Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш технологиялари. -Т.: Фан. 2011 й. -189 б.

**2-мавзу. Таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилишнинг мазмун-мохияти, турлари. Қарорга қўйиладиган талаблар ва тамоиллар.**

#### **Режа:**

- 1. Муаммо, муаммоли вазият, педагогик вазиятнинг мазмун-мохияти.**
- 2. Қарор тушунчаси, мазмун-мохияти, асосий турлари ва таснифлари.**
- 3. Қарор қабул қилишнинг асосий тамоиллари ва унга қўйиладиган талаблар.**
- 4. Қарорлар таснифи.**

**Калит иборалар:** *Муаммо, муаммоли вазият, ечим, қарор, тўғри қарор қабул қилиши, қарор субъекти, қарор обьекти, “ижро этувчи қарорлар”, “бошқарувчи” қарорлар.*

- 1. Муаммо, муаммоли вазият ёки педагогик вазиятнинг мазмун-мохияти.**

Муаммо деганда кенг маънода мураккаб назарий ёки амалий, ўрганилиши ёки ечилиши зарур бўлган савол тушунилади. Илмда эса бу -

ечилиши зарур бўлган бир-бирига зид, қарама қарши ходиса, воқеа. Хаётда муаммо одамларга маълум бўлган “нима” ва “қандай”, ёки “нималигини биламан, лекин қандай қилишни билмайман” деган саволларга жавоб берадиган вазиятларда учрайди. Биз ушбу предмет жараёнида “муаммо” тушунчасига қуидагича изоҳ берамиз: **“муаммо бу - жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва ечиш усули номалум бўлган савол”**.

Инсон учун ҳар қандай муаммонинг мазмуни, уни аниқлаш, тахлил қилиш, баҳолаш, ечимини қидириб топиш ва амалиётда тасдиқлаш билан ифодаланади. Муаммо деганда одатда юқорида айтганимиздек хали ечимга эга бўлмаган ноаниқ савол тушунилади. Шу ноаниқлик муаммони вазифадан ажратиб туради.

*Ўрганилаётган бир обьект ичидаги бир-бiri билан боғлиқ саволлар бирлашмаси – проблематика, ёки муаммолар мажмуи деб аталади.*

Одатдаги педагогик фаолиятда муаммо икки йўл билан пайдо бўлади.

**Биринчидан, у ташқаридан берилади.** Масалан, деканат, ректорат ёки вазирликдан ижро учун бирор қарор, кўрсатма ёки буйруқ келганда (уни бажариш учун сиз ўз ўрнингизда конкрет чора-тадбирлар қабул қиласизлар);

сиздан пастки поғонадаги ташкилот, гурух ёки шахс бирор бир амалий масалани кўтариб чиқканда (мисол учун талабалар кўтариб чиқса);

ҳар-хил қўшни ташкилотлардан муаммолар кўтарилган мурожатлар келганда.

Бундай ва шунга ўхшаш холларда уларни тўғри қабул қилиш, муаммолик жойини аниқлаш, ўзингиздаги шунга ўхшаш муаммо билан (агарда сизда шунга ўхшаш муаммо мавжуд бўлса) таққослаш лозим. Айрим пайларда муаммо ўз ечими билан берилиши мумкин.

**Иккинчидан, муаммо педагогнинг меҳнат фаолиятида учрайдиган турли хил маълумотларни тахлил қилиши натижасида пайдо бўлиши мумкин.**

Педагог ўз меҳнат фаолиятида янги-янги маълумотлар билан танишади. Ҳар-хил шароитларга дуч келади. Агар у олган маълумотда ёки дуч келган вазиятда мавжуд холат билан қарама-қаршилик бўлса ёки бошқача қилиб айтганда янги келган маълумот орқали педагогнинг меҳнат фаолиятига ёки шахсий хаётига таъсир этиши мумкин бўлган ходиса, воқеа ёки холат юз бериши мумкин бўлса, агар уни қониқтирмаса, ўшанда муаммо пайдо бўлди дейишимиз мумкин. Балким улар бирданига эмас, аста-секин пайдо бўлар.

Муаммони англаб етгандан сўнг, **муаммоли вазият** шаклланади. **Муаммоли вазият деганда, керакли қарор ишлаб чиқариш ва қабул**

**қилишга таъсир этиши мумкин бўлган жихатлар йиғиндиси тушунилади.** Ёки бу мавжуд билим ва кўникмалар орқали ечиб бўлмайдиган, янги билимга зарурият уйғотадиган вазиятдир.

Илмий соҳада **муаммоли вазият** деб илмий билимлар тараққиётида тадқиқотчилар дуч келган шундай янги ходисадирки, уларни мавжуд илмий назария асосида тушунтириб бўлмайди, уларни тушунтириш учун янги назариялар хали ишлаб чиқарилмаган.

Педагогик фаолиятда уларни **педагогик вазият** деб ҳам айтилади.

**Педагогик вазият –** бу педагогик жараённинг таркибий қисми бўлиб, у орқали педагог педагогик жараён ва педагогик тизимни бошқаради. Бу педагогик жараён, педагогик тизимнинг вақт оралиғида тўпланган (концентрация қилинганд) кўринишидир.

Педагог фаолиятида педагогик вазиятнинг ахамияти жуда муҳим. Айниқса педагогик тажриба ортиришда. Унинг ичида педагогик жараён ва педагогик тизимнинг қадр-қиймати ҳам, камчиликлари ҳам жамланган бўлади. Улар педагог фаолиятидаги педагогик тажрибанинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир педагог ўз архивида ҳар-ҳил педагогик вазиятлар ёзилган ёзмалари (блокнотда, дафтарда, карточкаларда, флешкаларда ва хокозо) бўлиши мақсаддага мувофиқ. Бу унинг касбий бойлигидир.

Педагогик вазиятнинг моҳияти, унда ечилиши лозим бўлган қарама-қаршиликлар мавжудигидир. Шунинг учун ҳар қандай вазият агар унда муаммоси бўлса ўз йўлида муаммоли вазият деса бўлади. Педагогик вазият аниқ, конкрет, олдиндан режалаштирилган ёки стихияли равишда, ўз-ўзидан пайдо бўлган бўлиши мумкин (масалан дарс, зачет, имтихон пайтида).

### **Педагогик вазият классификацияси (таснифи).**

**Педагогик вазият ҳар-ҳил шароитларда, турли сабаблар асосида пайдо бўлиши мумкин. Улардан асосийлари:**

1. *Пайдо бўлиши ва ўтиши жойи бўйича (дарс пайтида, уйда, ётоқхонада, кўчада, стадионда ва хоказо);*
2. *Қандай пайдо бўлишига қараб (атайлаб ўйлаб топилган, табиий тарзда пайдо бўлган, режалаштирилган...);*
3. *Оригиналлигига қараб (стандарт, ностандарт, оригинал);*
4. *Бошқарув дараҷасига қараб (бошқарилувчан, бошқарилмайдиган);*
5. *Қатнашувчиларга нисбатан (студент ва студент орасида, студент билан ўқитувчи орасида, ўқитувчилар орасида...);*
6. *Ичидағи қарама-қришиликка нисбатан (конфликтли, конфликтсиз,*

*танқидий);*

7. *Мазмуни бўйича (ўқув мақсадида атайлаб яратилган, бошқа мақсадларда яратилган... );*
8. *Характери бўйича (фан ичидаги, фанлар аро, илмий ва хоказо).*

## **2. Қарор тушунчасининг мазмун-мохияти, асосий турлари ва таснифлари.**

Умуман олганда бошқарув фаолиятида, шунингдек педагогик фаолиятни бошқаришда ҳам муҳим вазифалардан бири тўғри қарор қабул қилишидир. Тўғри қарор қабул қилиш бошқаруб фаолиятининг негизи бўлиб, унинг сифати ва самарадорлигини белгтлайди.

Хўш, қарорнинг ўзи нима?

**Қарор – бу бошқарув субъекти тамонидан ўз имконият даражасидан келиб чиқсан холда, мавжуд маълумот тахлили асосида бошқарув обьекти қилиши керак бўлган ва шу соҳадаги муаммони хал қилишга қаратилган харакат.**

Қарор келажакда қилиниши керак бўлган харакатни кўрсатиб, “нима қилиш керак” деган саволга жавоб беради. Қарорнинг мазмунида қилиниши керак бўлган ишнинг мақсади ва предмети бирлашади.

Қарор тушунчаси ўз маноси жихатидан “чора-тадбирлар” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Педагогнинг фаолияти таълим соҳаси билан боғлиқлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу соҳадаги қарор қабул қилиш шу соҳага таъсир кўрсатишни англатади. Агар қарор тўғри бўлса, у ижобий натижаларга олиб келади. Нотўғри қарор аксинча, салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Айрим пайтларда “қарор қабул қилиш”, “қарор ишлаб чиқиш” деган деган иборалар ўрнига, “қарорни шакллантириш” даган ибора ҳам қўлланилади.

**Қарорнинг “ижро этувчи” ва “бошқарувчи” турлари мавжуд бўлади.**

Қарор қабул қилувчининг ўзига тегишли, ўзи қилиши керак бўлган харакатларни кўрсатувчи қарорлар, ва умуман олганда “нима қилишим керак” деган саволга, ҳамда “у нарса қиласман”, “бу нарса қилишим керак” деган маънони англатадиган қарорлар ижро этувчи ёки шахсий қарорлар дейилади.

Улардан фарқли ўлароқ, бошқарувчи қарорлар бошқарувдаги шахсларга нисбатан қабул қилинади ва уларнинг харакатини белгилаб беради.

Ҳар қандай соҳанинг ҳар қандай ходими ҳам “ижро этувчи”, ҳам “бошқарувчи” қарорлар қабул қиласми. Одатда иккинчи қарор тури биринчисини пайдо бўлишига сабаб бўлади.

**Педагогик қарор - бу субъектларабо мавжуд ижтимоий муносабатлардаги педагогик ва психологик мулоқат натижаси.**

Албатта ҳарқандай қарорлар ҳам бир ҳил бўлавермайди, айрим қарорларда вазифа умумий қўйилади, айримларида аниқ ва лўнда холда қўйилади. Қарорлар кўпинча бир-биридан келиб чиқади, бир-бирини тўлдиради, бир-бирига асос бўлади.

Барчамизга маълумки, қарорлар инсоннинг маълум ахборотни (маълумот, рақамлар) қайта ишлаши натижасида шаклланади. Бу маълумотлар қарор қабул қилиш жараёнида тутган ўрнига қараб уч турга бўлинади:

*вазиятни кўрсатувчи маълумотлар;*  
*мезонларни кўрсатувчи маълумотлар;*  
*намунавий (прецедентли) маълумотлар.*

**Вазиятни кўрсатувчи маълумотлар**, конкрет хал қилиниши керак бўлган вазиятни англатади (мисол). *Бундай маълумотлар тез ўзгарувчан, қайтарилмас бўлиши мумкин.*

**Мезонларни кўрсатувчи маълумотлар** қарорнинг шаклланиш жараёнини йўналтиради, унга мезон бўлади. *Бундай маълумотлар одатда қонунларда, меёрий хужжатларда ўз аксини топган бўлади. Уларда қарор*

*қабул қилишига қўйиладиган асосий вазифалар, қарорни ишлаб чиқариии услугбияти ва бошқалар ўз аксини топади.*

**Намунавий маълумотлар** шу соҳада ва шунга яқин соҳаларда қарор қабул қилиш бўйича мавжуд тажрибаларни англатади. Бунда сўз қарор қабул қилувчининг шахсий тажрибасидаги, ҳамда ўзгалар тажрибасидаги намуналар ҳақида юритилади.

Албатта авлодларимиз ишлаб чиқсан тажрибадан хабардор бўлишимиз зарур, чунки унга қараб, ўрганиб, хатоларга йўл қўймайсан. Лекин у тажрибани кўр-кўrona ишлатиб ҳам бўлмайди, чунки худди бир-хил вазият бўлмайди. Қандайдир фарқ доим бўлади. Шунинг учун уларни намуна сифатида ўрганиб, янги, оригинал қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкин.

Қарорнинг шаклланиш жараёнида ҳар қандай соҳа ходими, улар қатори педагог ҳам ечимнинг бир неча вариантлари борлигини кўради. Ҳар бири бўйича барча “+” ва “-” ларни тарозга солади. Бу эса ўз йўлида ходимда шакшубха, гумон, хар-хил кечинмалар туғилишига сабаб бўлади. Қарор қабул қилувчи субъектга, агар нотўри қарор қабул қилса, нафақат ўзини, хатто бошқа шахсларни, айтайлик мауаммога алоқаси бор бўлган ижрочиларни хам ноқулай ахволга қўйиши мумкинлиги унга салбий таъсир этади. Шунинг учун бир неча вариантлар орасида энг тўғрисини танлаш учун фақатгина билим ва кўникмаларнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун қарор қабул қилиш жараёнини ташкиллаштирувчи ва рағбатлантирувчи ирода керак бўлади. Бундай холатларда ирода – қарор қабул қилишга ишини билиб ёндашишни англатади. Кучли ирода ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, у етарли таълим-тарбия натижасида етиштирилади.

Шундай қилиб қарорнинг шаклланиш асосида билим ва ироданинг мустахкам қоришмаси ётади.

Кўпинча қарор қабул қилишда малумотларнинг етишмаслигига, камлигига дуч келамиз. Ноаниқ вазиятда қарор қабул қилиш – барчамизга маълум нарса. Шундай пайтларда (маълумот камлиги) қабул қилинган қарор,

қарор қабул қилувчи субъект, қарор обьекти ёки вазиятга салбий таъсир кўрсатадиган омил бўлиши мумкин. Нотўғри қарор натижасида учраши мумкин бўлган хавф-хатар асосида кутилган натижа билан содир бўлиши мумкин бўлган салбий оқибат ётади.

**Қарорнинг шакли** ҳақда гапирадиган бўлсак, қарорлар ёзма ва оғзаки шаклларда бўлиши мумкин. Оғзаки қарорлардан фарқли ўлароқ ёзма шаклдаги қарорлар одатда қарорнинг сифатини ва уни бажаришга бўлган масулиятни оширади, ижрочиларни назорат қилиш, иш холатини тахлил қилиш имконини беради. Шунинг учун бўлса керак, айрим холларда оғзаки қабул қилинган қарорлар кейин хужжатлаштириб қўйилади. (Мисол учун хар-хил топшириқлар, хужжатлардаги имзо, резолюциялар...). Айрим холатларда ёзма қарорлар ижро муҳлатини чўзилишига олиб келиши мумкин.

**Қарорлар одатда ҳар-хил роллар ижро этади. Уларнинг асосийлари:**

йўналтирувчи;

ташкиллаштирувчи-мувофиқлаштирувчи;

методик (услубий) ва

педагогик-тарбияловчи роллар

1. **Йўналтирувчи (йўл кўрсатувчи)** ролнинг маъноси шундаки, унда бўлажак (эришиш керак бўлган) мақсад аниқланади, тушунтирилади. Мақсад эришиш керак бўлган образнинг идеали сифатида ижрочиларга йўл кўрсатади.

2. **Ташкиллаштирувчи-мувофиқлаштирувчи** ролли қарорлар нинг мақсадига етишда фойдаланиладиган инсон ресурслари ва бошқа имкониятлар, қарорни ечишда уларнинг ўрнини белгилайди. Бу роль айниқса режа асосида колектив ижро этилиши керак бўлган муаммоларни хал қилишда аскотади. У ким, кимга, ким билан, қачон, нимага ўхшаган саволарга жавоб беради.

3. **Методик (услубий)** ролнинг маъноси шундаки, у мақсадга

эришиш учун қандай усул ва услублар, йўллар ишлатилишини кўрсатади. Бу услублар қарорнинг ўзида кўрсатилиши мумкин. Айрим холларда ижрочиларнинг ўзлари топишади.

**4. Педагогик-тарбияловчи** ролнинг маъноси унинг номи айтиб турганидек, ижрочилар фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган. Қарорнинг шаклланиш жараёнида ижрочилар тайёрлиги аниқланади. Агар улар тайёр бўлмаса, улар билан керакли тайёргарликлар ўтказилади.

**Қабул қилинаётган қарор турли белгилар асосида таснифланиши (классификация қилиниши)** мумкин. Бу таснифлаш қарорнинг мазмунига ёки қабул қилиниш шаклига қараб уч турга бўлинади:

структуравий;

ташкилий ва

функционал қарорлар.

**Структуравий қарорлар** педагогик фаолиятнинг ташкилий тузилмасини тузиш ва такомиллаштиришга қаратилган харакатлар хисобланади.

**Ташкилий қарорлар** соҳа фаолиятини рағбатлантиришни, назорат қилиш, хисоботларни ташкиллаштириш ва бошқа ташкилий харакатлар билан характерланади.

**Функционал қарорлар** мутахасисларнинг, улар қаторида педагогларнинг ҳам ўз функционал мажбуриятларидан келиб чиқади.

Юкорида келтирилган қарорлардан ташқари амалиётда комбинацияланган (биргаликдаги) характерга эга қарорлар ҳам учрайди (мисол учун план, режаларда тулар ўз аксини топган).

### **3. Қарор қабул қилишнинг асосий тамойиллари ва унга қўйиладиган талаблар.**

Бошқарув фаолиятининг назарияси ва амалиёти қабул қилинаётган қарорга тегишли тамойилларни ишлаб чиқарган. **Уларнинг асосийлари қўйидагилар:**

1. Муаммонинг айрим қисмларини ўрганишдан аввал бутун муаммони ўрганиб чиқиши лозимлиги.
2. Барча вариантларни кўриб чиқмагунча, қарор қабул қилмаслик.
3. Маълумотларга дарров ишониб қолмаслик, шубхаланиш лозимлиги.
4. Муаммога аниқлик киритиш мақсадида кўпроқ савол бериш.
5. Мияга келган биринчи қарор варианти билан қаноатланмаслик.
6. Қатъий қарор қабул қилишдан аввал ўзгаларнинг фикрига қулок солиши.
7. Ўзгалар фикрига илтифотсизлик кўрсатмаслик (беписанд бўлмаслик).
8. Ҳар ким муаммога ўз нуқтаи назаридан (манфаатидан келиб чиқсан холда) қарайди.
9. Масалага бир томонлича эмас, ҳар томонлама ёндашишга харакат қилиши.
10. Муаммонинг мохиятини англаш учун ўхшаш моделлар (ходисалар, қарорлар...) қидириш ва улар билан таққослаш.

### **Қарорга қўйиладиган асосий талаблар.**

Бизнинг давлатимизда қарорга бўлган асосий талаблардан бири у Ўзбекистон Президенти ва республика хукумати кўрсатмаларига тўғри келиши. Педагогик фаолиятда улар баркамол авлодни тарбиясига хизмат қилишлари лозим.

Қарорга қўйиладиган умумий талаблардан бири, унинг оптималь бўлиши, яъни шу вазиятда қабул қилиниши керак бўлган энг тўғри қарор бўлиши керак. У (қарор) конкрет вазиятга мос келиши керак.

Оптималлик бир қанча бошқа талаблар бажарилиши асосида хосил бўлади. Уларга қарорнинг объективлиги, қарор қабул қилувчи субъект компетенциясининг тўғри акс этилиши, қарорда муаммога муносабати бор шахслар фикрининг тўғри ифода қилиниши, қарорнинг ўз вақтида эканлиги, конкретлиги, юмшоқлиги, ўзгарувчанлиги, қарор шаклининг унинг

мазмунига мослиги.

**1. Қабул қилинаётган қарор доим объектив бўлиши керак.** Қарорнинг объективлиги – унга бўлган талабнинг мавжудлиги. Агар қарор номигагина қабул қилинса, у объектив бўла олмайди.

Қарорнинг объективлиги қўпинча уни қабул қилаётган субъектнинг профессионал ва назарий тайёрлиги билан боғлик, унинг бошқарув қонуниятларини билиш-билмасликларига боғлик. Шу билан бирга қарор қабул қилинаётганда ишлатиладиган маълумотларнинг тўлиқлиги, аниқлиги ҳам қарорнинг шаклланишига таъсир қиласди.

**2. Қарорда уни қабул қилувчи шахснинг компетенцияси тўғри акс этиши лозим**, чунки уни қабул қилишга етарли ваколати бўлган инсон қабул қилиши керак. Ўз ваколат доирасидан юқори бўлган қарорларни қабул қилиш салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун хар ким ўз ваколат доирасини билиши лозим ва шунга риоя қилиши керак.

**3. Қарорда унга муносабати бор, унга алоқадор шахсларнинг фикри ҳам инобатга олиниши керак.** Бу талаб қарорни ишлаб чиқища қатнашганлар нуқтаи-назари инобатга олинишини назарда тутади. Қарор қабул қилиш бир нарса, уни ишлаб чиқиш , шакллантириш бошқа нарса. Чунки бу жараёнда унга алоқадор, манфаатдор шахслар, унинг бажарилишини таъминловчи ижрочилар, умуман муаммони яхши билувчилар қатнашиши мумкин.

**4. Коллегиальность деганда қарорни ишлаб чиқишдаги бамаслаҳатлик, биргаликдалик, кенгашиб ишлаш тушунилади.** Бу эса ўз йўлида қарор қабул қилингандан кейин уни бажаришни осонлаштиришга имкон беради. Қарорни шакллантиришда қатнашган ижрочилар учун уни бажариш осонроқ кечади. Қарор қабул қилишдан олдин ўзгалар фикрини ҳам ўрганиш факат фойда беради. Айрим пайтларда қарор қабул қилишдан олдин “ақлий хужум” услубидан унумли фойдаланса бўлади.

**5. Ҳар қандай қарор агар ўз вақтида қабул қилинсагина яхши.** Кеч қабул қилинган қарор, нотўғри ёки бирор хатога эга қарордан ҳам зарари

кўпроқ бўлади. Шунинг учун қарор қабул қилинаётганда тезкор (оператив) харакат қилиш керак. Лекин бу шошма-шошарликка йўл қўйиш керак дегани эмас.

**6. Қарор конкрет ва керак бўлса ўзгарувчан бўлиши керак.** Конкретлик бу мазмуннинг аниқ ва лўндалиги. Қабул қилинаётган қарорда “фаоллаштириш”, “яхшилаш”, “юқори даражага кўтариш ” га ўхшаган жумла ва иборалар ишлатилмаганлиги маъқул. Айниқса ижрочиларга вазифа қўйилаётганда аниқлик ва конкретлик жуда зарур.

Бу талаб ижрочиларга ҳамма нарсани “чайнаб бериш керак” дегани эмас. Вазиятнинг ўзгарувчанлигини, қарор қабул қилиш учун керак бўлган маълумотнинг камлигини инобатга олсак, ижрочи олдига доим аниқ вазифа қўйиш қийин эканлиги маълум бўлади. Шунинг учун айрим пайтларда уларга вазифага керакли ўзгартиришлар киритиш имкониятини бериш мумкин.

Вазифани (қарорни) бажаришда стратегик йўналиш аниқ ва конкрет бўлгани билан, уни бажариш усуллари, йўллари юмшоқ, ўзгарувчан бўлиши мумкин

Қарорнинг юмшоқ, ўзгарувчанлиги турлича йўллар билан бажарилиши мумкин. Масалан вазифанинг айрим бажариш усулларини ижрочилар ваколатига берса бўлади. Айрим пайтларда бу – вақт, айрим пайтларда- жой, гохида бажариш усул ва воситаларини танлаш. Айрим пайтларда қандайдир чеклашлар қўйиш мумкин (ижрочи шу чекловлардан ташқарига чиқмаслиги учун). Вазиятдан келиб чиққан холда конкретлик ва ўзгарувчанликка алоҳида эътибор бериш лозим.

**7. Қарорнинг шакли унинг мазмунига мос бўлиши лозим.** Бу талаб қарорнинг мазмун жихатдан оптимал ифодалаш ва технологик расмийлаштириш томондан тўғри бўлишини кўрсатади

Педагог ўзининг касбий фаолияти давомида талабаларга ёзма иш ҳам, оғзаки вазифа ҳам, талабалар ёзган ишларга (реферат, курс иши, эссе ва хоказоларга) резолюция (имзо) қўйиб ҳам вазифалар, кўрсатмалар беради. Ундан ташқари қўпинча у ректорат ёки деканат топшириқларини ҳам

талабаларга етказади. Қабул қилинадиган қарор, бериладиган вазифанинг шаклига келсак, биз қарорни ифода этувчи тил ҳақида тўхташимиз керак. Гапни қўпайтириш, уни турли-туман керак-керакмас элементлар билан тўлдириш, қийинлаштириш заарли. Ортиқча гап айни вазифани яхши тушунишга халақит беради. Тингловчининг энсаси қотади.

Қарорни изоҳ қилиш қисқа, аниқ, конкрет ва лўнда бўлиши керак. Агар қарор катта хажмда бўлса уни бир неча кичик қисмларга бўлим тушунтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Фикрни ифода қилишда тушунарли тилда гапириш лозим. Махсус ибора ва терминларни кўп ишлатиш ҳам фойда беравермайди. Аниқлик, оддийлик, талабчанлик, хушмуомалик, тил хамсуханлиги, қарорнинг мазмуни ва шакли мослиги ифодаланиши лозим.

**Педагогик жараённи бошқаришда тезкор қарор қабул қилиш талаб қилинади, чунки вазият омили ўз таъсир даражасига эгадир. Шу сабабли, педагогик қарорларга қўйиладиган талаблардан қўйидагилари жуда мухим:**

Қарор илмий асосланган бўлиши керак.

Тезислар бир бири билан алоқаддор ва яқдил бўлиши лозим.

Хуқуқ ва жавобгарлик доирасида бўлиши керак.

Аниқ йўналишга эга бўлиши керак.

Вакт бўйича қисқа ва аниқ бўлиши лозим.

Тезкор бўлиши керак.

Педагогик фаолият манфаатларини химоя қилишга қаратилган бўлиши керак.

Мавжуд ресурсларни инобатга олган бўлиши даркор.

Ўқув, ўқув-услубий, маънавий маърифий ва ташқиلىй вазифаларни камраб олган бўлиши лозим.

#### **4. Қарорлар таснифи.**

Бошқарув жараёнида турли масалалар юзасидан турли даражада хилма-

хил мохият ва мазмунга эга қарорлар қабул қилинади. Улани қуйидаги белгилар асосида гурухларга бўлиш мумкин:

**Стратегик қарорлар.** Улар юқори бошқарув органлари томонидан туб ва истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш мақсадида қабул қилинади.

**Тактик қарорлар.** Мақсадга эришишнинг восита ва усуллари хусусидаги жорий, тезкор қарорлардир (ташкilotнинг жорий режаларини тузиш, кадрлар масаласини хал қилиш...).

**Умумий қарорлар** бир хил муаммога даҳдор бўлиб, барча бўғинлар учун бирдек амал қилинади (*масалан иш кунининг бошланиши ва тугаши, тушилик вақти, иши хақини тўлаши муддати ва хоказо*).

**Махсус қарорлар** тор доирадаги муаммога тааллуқли бўлиб, ташкilotнинг муайян бир бўлими ёки бир гурух ходимлари юзасидан қабул қилинади.

**Стеоротип қарорлар** одатда қатъий йўриқномалар, меёрий хужжатлар доирасида қабул қилинади. Бундай қарорлар базан кундалик масалалар бўйича қабул қилинади, лекин ўзгаришлар асосан муддатлар, айрим сифат параметрлари, ижро чиларга таалуқли бўлади

**Ташаббусли қарорлар** номи айтиб турганидек, новаторлик мазмунига кўра истиқболни назарда тутадиган қарорлардир.

**Анъанавий қарорлар** – бу одатий вазиятларда қабул қилинадиган қарорлардир.

Тавсияли қарорлар ўз мохиятига кўра ташаббусли қарорларга яқин бўлиб, уларда ташкilot фаолиятини яхшилаш борасидаги тавсиялар ўз аксини топади.

**Аниқ қарорлар** тўла-тўқис ахборот мавжуд бўлган холдагина қабул қилинадиган қарорлар.

**Ноаниқ қарорлар** – бу таваккал билан тўла бўлмаган ахборотга асосланиб қабул қилинадиган қарорлардир.

**Амал қилиш характерига қараб, бошқарув қарорлари қуйидаги турларга бўлинади:**

- Вақтнчалик қарорлар** (*амал қилиши муддати чекланган*);
- Тезкор қарорлар** (*кечиктирилмай ижро этиши учун қабул қилинади*);
- Мунтазам қарорлар** (*белгиланган муддатларда чиқарилади*);
- Вақт-вақти билан қабул қилинадиган қарорлар** (*масалан, ҳар семестр охирида сессия бўйича ОТМ раҳбарининг буйруги чиқади*).

### **Қарорнинг асосий шакллари:**

- яккабошчилик принципи асосида қабул қилинган қарорлар;
- коллегиаллик (кўпчилик фикри) асосида қабул қилинган қарорлар;
- консенсус асосда қабул қилинган қарорлар;

Рингли усул асосида қабул қилинган қарорлар. Япон бизнесида кенг қўлланниладиган усул бўлиб, у маъжисларда эмас, балки сираб чиқиши йўли билан розилик олиш воситасида хал этилади.

### **Назорат саволлари.**

1. Қарор нима, унинг тушунчаси қандай?
2. Қарорнинг қабул қилувчи субъектга нисбатан қандай турлари мажуд? Уларни тушунтириб беринг.
3. Қарор қабул қилиш жараёнида фойдаланиладиган маълумотлар тутган ўрнига қараб қандай турларга бўлинади? Уларнинг таърифини беринг.
4. Қарорлар қандай роллар ижро этади?
5. Қарорлар мазмуни ёки қабул қилиниш шаклига қараб қандай таснифланади?
6. Қарор қабул қилишнинг асосий тамойилларини айтиб беринг.
7. Қарорга қўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Самаров Р.Ю, Раджабов А... Сиесий матн таҳлили (методология,

- назария, амалиёт). Тошкент, 2010.
2. Системный анализ и аналитические исследования: руководство для профессиональных аналитиков / А.И. Ракитов, Д.А. Бондяев, И.Б. Романов, С.В. Егерев, А.Ю. Щербаков; [отв. ред. А.И. Ракитов]. - М., 2009. - 448 с.
  3. Системный анализ и принятие решений: Словарь - справочник. Учебное пособие для вузов / Под ред. В.Н. Волковой и В.Н. Козлова. - М.: Высшая школа, 2014. -616 с.
  4. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. Т.: “Иқтисодиёт”, 2011. – 208 б.
  5. Methods of Teaching. Course Gulde. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012. 44-65.
  6. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler. 94-118.
  7. Ишмуҳаммединов Р. Таълимда инновация. – Тошкент:«Фан», 2010.
  8. Исянов Р.Г. Олий таълим мұассасалари профессор-ўқытуvчилиарини малакасини ошириш технологиялари. Т.: Фан. 2011 й. 189 б.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машғулот: Тизимли таҳлилда муаммони шакллантириш ва ечиш: амалий жихат.**

**Ишдан мақсад:** Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил асосларини қўллаб муаммони асосини шакллантириш ва ечиш. Амалий вазифаларни хал этишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш босқичлари. Муаммони танлаш. Муаммони қўйиш ва қийинлиги даражасини чеклаш. Мақсад ва вазифаларнинг иерархиясини ўрнатиш. Вазифани ечиш йулларини танлаш. Моделлаштириш. Стратегияни аниқлаш. Натижаларни тадбик этиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Қадим замонлардан XX асрнинг бошларигача подшолар, саркардалар, умуман олганда раҳбарлар асосан ўз билими, тажрибаси, имкониятига қараб, хамда аниқ вазиятдан келиб чиккан холда қарор қабул қилишган. Аввалом бор улар ўзининг талант ва тажрибасига таянган холда бошқаруви керак бўлган обьектни ўзлари билганча, озми-кўпми тизимга солганлар. Бошқача қилиб айтганда вазиятдан келиб чиккан холда бошқаришган. Демак, қиска қилиб айтсак, бошқарув масалаларида вазиятга асосланган ёндашув асосий рол ўйнаган.

Бу бошқарувнинг асосий тамойили қабул қилинаётган қарор шу конкрет (аниқ) вазиятга мос келганлиги бўлган. Қабул қилинган қарорнинг таъсир натижаси қарор қабул қилувчи учун энг ижобий натижаларга олиб келиши асосий омил бўлган.

Шундай қилиб «вазиятли ёндашув» (ситуатив ёндашув) – бу энг яхши ижобий натижага интилиш демакдир. Кейинчи? Агар яна муаммо пайдо булса, яна шунга яраша ситуатив қарор қабул килинади. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, хозирги холат учун тўғри бўлган қарор кейингиси учун яхши бўлмаслиги мумкин эди. Бу қарорнинг ўзига хос камчиликлари, хали инобатга олинмаган тарафлари чиқиши мумкинлиги эди.

Ходисаларнинг ўзгарувчанлигини инобатга олиб харакат килган раҳбар хар сафар янги ва янги қарорлар қабул қилишга мажбур бўлади. Бунда кейинги қарор аввалгисига мос келмаслиги, унга қарама-қарши бўлишлиги хам мумкин. Натижада қарор қабул қилувчи жараённи бошқара олмай қоларди. Бу дегани холатдан, вазиятдан келиб чиккан холда бошқариш ёмон дегани эмас. Қарор қабул қилишда ситуатив ёндашиш яхши ва керак нарса бўлиб, у қачонки, холат тез-тез ўзгариб турса, бор тажрибани қўллаш имкони бўлмаса, ёки барча таъсир қилиши мумкин булган омилларни инобатга олиш имкони, хамда етарли даражада вақт бўлмаса. *Масалан ФХВ ходимлари кўпинча шундай холатларда харакат қиласидилар, аниқ ва оз муддатда аниқ ва*

*энг туғри қарор қабул қилишилари лозим. Бу түгри. Лекин, шу билан бирга «ситуатив ёндашув» хар доим хам фойда беравермайди. У янада ўрганилиб, тизимли ёндашув билан алмаштирилиши, тўлдирилиши лозим.*

**Ишни бажариш учун намуна.** Хўш, тизимли ёндашувнинг ўзи нима? Унинг «ситуатив ёндашувдан» нима авзаллиги мавжуд?

**Мутахасисларнинг фикрича тизимли ёндашув умумметодологик тамойил булиб, у инсон ва жамият фаолияти, хамда илм-фаннынг турли соҳаларида ишлатилиши мумкин.**

Умумий тизимлар назариясининг асосчиси Австриялик биолог Людвиг фон Берталанфи бўлади. Ўтган асрнинг 20-йилларида Берталанфи инсон организмини тизим сифатида ўрганиб, ўзининг умумий қарашларини 1929-йил ёзган «Замонавий ривожланиш назарияси» номли китобида эълон қилди. Бу китобда у биологик организмларни ўрганишда тизимли ёндашувдан фойдаланиш асосларини ишлаб чикарди. 1967 йилда ёзган «Роботлар, одамлар ва онг» асарида умумий тизим назарияси ва ижтимоий хаёт жараёнларини тахлил қилиш муаммосига қаратди. 1969 йил ёзган «Тизимларнинг умумий назарияси» китобида эса ўзининг тизимлар назариясини умумфган илмига айлантирди.

Олимнинг фикрича тизимли ёндашув бу – дунёни англаш услуби бўлиб, унинг асосида ўрганилаётган обьектларни тизим сифатида кўриш ётади. Тизимли ёндашувнинг учта асосий фарази мавжуд:

дунёда тизимлар мавжуд;  
тизимлар бир-бири билан алоқада;  
демак дунё хам тизим.

Тизимли ёндашув бу шундай ёндашувки, унда хар қандай тизим (ходиса, воеа, жараён, бирон-бир обьект) бир-бири билан алоқадор элементлар (унсурлар) сифатида ўрганилади. Бу алоқалик кириш (мақсад) ва чиқиш (ресурслар), хамда ташқи мухит билан алоқаликка эга. Албатта бу анча мураккаб ёндашув. Тизимли ёндашув бу тамойиллар, ёки йўритмалар йиғиндиси эмас, у бошкариш ва ташкиллаштириш муаммоларини англашга қаратилган услубдир.

Тизимли ёндашувнинг асосий тамойилларидан бири у ташкилотни бир қанча кичик тизимлардан ташкил топган очик тизим сифатида қарайди. Ташкилот ташқи мухитдан ўзига керакли ресурсларни олиб, уларни қайта ишлаб, ишлаб чиқарилган маҳсулотни яна ташқи мухитга узатади. (Мисол босмахона) Инсон тизими хам худди шундай функцияларни бажаради. (Узоққа бормайлик мактаб, колледж, лицей, олий ўқув юртлари ҳам шундай. Кўчадан ўқувчиларни оламиз, уларни тарбия қиласиз, талим берамиз (қайта

ишлиш) ва тайёр махсулотни чиқарамиз).

Тизимли ёндашувнинг гоя ва қарашлари дунёнинг замонавий кўриниши ва илмий дунёқарашини яратишда катта ахамиятга эга. Бу кўриниш фандаги янги ютуқлар ва замонавий илмий-техник инқилоб натижасида дунёни тубдан ўзгартирди.

### **Назорат саволлари:**

1. Қарорнинг “ижро этувчи” тури.
2. Қарорнинг “бошқарувчи” тури.
3. Маълумотлар қарор қабул қилиш жараёнида тутган ўрнига қараб қандай турларга бўлинади.
4. Қарорлар одатда қандай ролларни ижро этади.
5. Қарор мазмунига ёки қабул қилиниш шаклига қараб қандай турларга бўлинади.
6. Структуравий қарорлар.
7. Ташкилий қарорлар.
8. Функционал қарорлар.
9. Қабул қилинаётган қарорга тегишли қандай тамойиллар мавжуд?
10. Қарорга қўйиладиган асосий талаблар.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. С.Жўраев, А.Хасанов... Илмий тадқиқот методологияси. Т.2014.
2. Системный анализ и аналитические исследования: руководство для профессиональных аналитиков / А.И. Ракитов, Д.А. Бондяев, И.Б. Романов, С.В. Егерев, А.Ю. Щербаков; [отв. ред. А.И. Ракитов]. - М., 2009. - 448 с.
3. Системный анализ и принятие решений: Словарь - справочник. Учебное пособие для вузов / Под ред. В.Н. Волковой и В.Н. Козлова. - М.: Высшая школа, 2014. -616 с.
4. Голиш Л.В., Файзулаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. Т.: “Иқтисодиёт”, 2011. – 208 б.
5. Methods of Teaching. Course Gulde. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012. 44-65.
6. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler. 94-118.

**2-амалий машғулот: Қарорнинг шаклланиши ва уни қабул қилиш босқичлари. Турли омиллар асосида қарор қабул қилишнинг методологик жиҳатлари.**

**Ишдан мақсад:** Амалий вазифаларни хал этишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш босқичлари. Муаммони танлаш. Муаммони қўйиш ва

қийинлиги даражасини чеклаш. Мақсад ва вазифаларнинг иерархиясини ўрнатиш. Вазифани ечиш йулларини танлаш. Моделлаштириш. Стратегияни аниклаш. Натижаларни тадбик этиш. Муаммони ечиш жараёнининг мазмуни. Муаммони хал этиш жараёнининг босқичлари. Муаммони шакллантириш. Муаммо устида ишлаш.

**Масаланинг қўйилиши:** Комплекс муаммоларни ҳал қилиш учун тизимли тахлилдан фойдаланишнинг З афзаллиги мавжуд.

**Биринчидан**, тизимли концепция муаммонинг ҳам умумий, ҳам маҳсус сифатларини белгилашга имкон беради. Қарор қабул қилувчи шахс одатда муаммони ҳал қилишда тизим ғоясини қўлламайди. Қоидага кўра, улар аниқ бир ҳолат учун муаммони алоҳида ҳал қилиш жиҳатларини топади.

Агар муаммолар ўртасидаги ўхшашлик фақат юзаки бўлганда, қарор қабул қилувчи шахс текширилган қарорни қўллашда эришиши мумкин бўлган муваффақият муайян даражада чегараланган бўлади.

Тажрибадан биламизки, кўплаб янги муаммолар вазиятларнинг ўзгарганлигига қарамасдан эски ечимлар ёрдамида ҳал қилиниши мумкин. Қарор қабул қилувчи шахс муаммони ҳал қилиш жараёнида янги муаммонинг эскиси билан ўхшашлик даражасини баҳолаши керак. Айнан баҳолаш натижаси янги ёки эски қарор қўлланилиши кераклигини аниклаб беради.

Бироқ ўрганилаётган шароитда ўхшашликни аниклаш учун бизнинг ихтиёrimизда кам воситалар бор. Айрим ҳолларда муаммоларни ва ечимларни солиштириш қийин. Бу ўхшаш муаммолар вақт жиҳатидан ажратилганлиги ёки қарор қабул қилинадиган вазиятларга муҳтожлиги сабабли амалга ошиши мумкин. Муаммони ҳал қилиш таъсир кўрсатувчи омилларни пухта кўриб чиқишига жуда ҳам боғлиқ. Бу омиллар ҳар доим ҳам яхлит муаммо билан бевосита боғлиқ эмас.

Энди тизимли услугиятнинг қўлланилиши фойдасига бўлган **иккинчи далилни** кўриб чиқамиз. Тизимли тахлил қабул қилинган қарор охири нима билан тугашини ёки оралиқ натижани тўғри аниклашга имкон беради.

Охири нима билан тугашини аникловчи ечим оралиқ натижаларга ва муқобилларга алоқаси бўлмаган якуний натижаларни изоҳлайди.

Якуний натижани аникловчи ечимнинг акси – бу жараённи ва унинг оралиқ натижаларини аникловчи ечим сифатида тавсифланиши мумкин бўлган ечимдир.

Якуний натижани аникловчи муаммони ҳал қилишнинг фойдали томони шундаки, кўп ҳолатларда масъул раҳбарлар вазият талаблари босими остида (“сўровномага асосан”) сон-саноқсиз қарорлар қабул қилиши керак.

Жараённи аниқлаб берувчи ечимни ишлаб чиқиш кўпроқ вақтни талаб қилганлиги сабабли, уларни фақат “сўровномалар асосидаги” ечимларни талаб қилмайдиган муаммолар учун қўллаш тенденцияси юзага келади.

Ечимлар формал аппарат ёрдамида ўрганишни талаб этади ҳамда якуний натижани аниқловчи ечимга нисбатан нархи қиммат ва кўп вақтни талаб қилади. Улар шу тарзда эҳтимоли катта бўлган ва раҳбар фақат тўлиқ асосланган холосани олгандан кейингина маблағларни “тикишга” рози бўлган катта кўламдаги, мураккаб муаммолар ечимига қилинган иловалардан ўрин эгаллади.

Тизим ғоясини қўллаш фойдасига бўлган **учинчи** фикр шундаки, тизимли ёндашув муаммоларни ечиш учун уларни ташкиллаштиришга имкон яратадиган объектив стандартни яратишга ёрдам беради.

**Объектив стандарт** – бу универсал воситадир. У аниқ қоидаларни ёки тамойилларни ўз ичига олган белгиланган мезонлар атамасида муносабатлар қандай бўлиши кераклигини аниқлашга имкон беради. Объектив стандарт муаммонинг мазмунига чукур кириб боришга имконият беради ва шу билан мега тизим кўринишларини умумлаштиришга кўмаклашади.

Физика нуқтаи назаридан, объектив стандарт ҳар қандай жойда маънога эга бўлиши ва намойиш қила оладиган бўлиши керак. Ҳамда у вақт синовларига ва бошқа шахслар томонидан ўтказиладиган кўп каррали текширишларга бардош бериши керак. Объектив стандарт унинг асосида намойиш қилина олинадиган далилларнинг борлиги билан фойдалидир.

Агар ечимнинг хато эканлигини экспериментал текшириш йўли билан исботлаб бўлмаса, у ҳолда ҳар бирига тадқиқотчи, маълум даражада, ишонадиган ҳақиқатдан бўлган конструкция сифатидаги ечимнинг шакллантирилиши оқланган деб ҳисобланади. Ушбу ҳақиқатлар охир оқибат қонунлар ёки аксиомалар деб номаланиши мумкин.

Ишбилармонлик оламида, ҳарбийлар ёки ҳукumat идоралари фаолиятида бу турдаги қонунлар кам ёки умуман йўқ. Агар бундай қонунлар мавжуд бўлса ҳам уларни аниқлаш қийин. Агарда қонунга ўхшаш ҳолат аниқланса, унинг қўлланилиши муайян бўлган алоҳидаги соҳа билан чекланган (масалан, фақат ишлаб чиқариш, айрим географик ҳудуд ёки жараён билан чекланган).

Тизим ғояси алоҳида ҳодисаларни ўрганиш учун мўлжалланмаган, балки ушбу вазият жараёнини ва унинг ҳолатининг муҳитини келтириб чиқарувчи тўлиқ комплекслар воқеалар ўрганади.

Объектив тарзда ўрнатилган қоидалар тизими йиғиндиси призмаси орқали кўриб чиқиладиган фаолият тизим кўринишига эга бўлади. Комплекс

тавсифга эга бўлган вазифаларни ўрганувчи ТТ бўйича мутахассис фаолият жараёнининг объектив тузилмасини кўришга мувофақ бўлади.

Унинг мақсадига тизим тавсифларини аниқлаш ва муайян сифатлар билан уларни солиштириб кўриш киради. Бу тавсифлар тизимли параметрлар деб номланади.

Параметрлар бу мезонли тизимнинг (ёки компонентнинг) ҳар бир сифатига миқдорий баҳо берадиган эркин ҳолатдаги ўзгармаслардир. Параметр сифати бу ушбу операцион вазиятда параметрга берилган аниқ ўлчамдир.

**Бундан шу нарса келиб чиқадики, муаммони ечиш услубияти қўйидагиларга имкон бериши керак:**

1. муаммони ечишнинг умуний жараёнини функционал ташкиллаштирувчи тизимни белгилаш;
2. муаммони ечиш учун зарур бўлган тузилмага эга тизим параметрларини аниқлаш;
3. муаммони ечиш жараёнининг муқобил “чиқишлигини” итерация қилишга ёрдам берадиган тизим моделини ва унинг имкониятларини изоҳлаш.

#### Ишни бажариш учун намуна

Ижтимоий соҳадаги тизимли таҳлилда қўп ҳолларда учрайдиган камчилик – бу мазкур соҳадаги тизимларнинг кучсиз тузилмалаштирилганлиги. Кучсиз тузилмалаштирилган муаммода мухим бўлган ўзига хослик мавжуд: унинг ягона ечими, ҳар хил тартибдаги баҳолаш тизимлари асосида қурилишидадир.

**Тузилмани тўлиқ тузилмалаштирилмаган муаммога киритиш учун ҳеч бўлмаганда, қўйидаги асосий талабларни бажариш керак:**

1. Муаммони ечиш жараёни оқим (кетма-кетлиги ёки тузилмаси, жараёни) диаграммаларини ечимларининг қатъий нуқтасини кўрсатиш ёрдамида тасвирланиши керак.
2. Қатъий ечимларни топиш жараёни босқичлари қисмларигача изоҳланиши мумкин.
3. Асосий муқобиллар ва уларни ишлаб чиқиши усуллари намойиш қилина олиниши керак.
4. Ҳар бир муқобил учун қилинган таҳминлар аниқланган бўлиши керак.
5. Ҳар бир муқобил тўғрисида фикрни олиб чиқишига кўмаклашувчи мезон тўлиқ аниқланган бўлиши керак.

6. Маълумотларни майда қисмларигача намойиш қилиш, маълумотлар ва жараёнлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ёрдамида маълумотлар баҳолангандиги ҳар қандай ечимнинг қисми бўлиши керак.
7. Қабул қилинмаган ечимларни чиқариб ташланганлик сабабларини тушунтириб бериш учун керак бўлган муҳим муқобил ечимлар ва далиллар намойиш қилиниши керак.

Таъкидлаш керакки, бу талаблар муҳимлиги, ифодалашнинг аниқлиги ёки тўлиқлиги ва объективлиги даражаси бўйича бир-бири билан тенг эмас. Ҳар бир талаб мустақил қимматга эга.

Муаммони ёзма равища изоҳ қилиш ва унинг ечимлари сўзларни янада тўғри қўллашга олиб келиши мумкин.

Тадқиқот жараёнларини хужжатлаштириш ва унинг натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлаш муаммода тузилмани қучайтириб айrim ҳолларда ижобий таъсир қўрсатади. Бироқ ҳамма ечимлар ҳам ёзма шаклга эга эмас ва фақат нисбатан қўп бўлмаган қўп қамровли ечимлар формал равища хужжатлаштирилган бўлиши мумкин.

Ёзма хужжатларга хос бўлган камчиликлар – булар қўп сўзлилик, сўзлардан семантик тарзда фойдаланиш, таклифлар тузилмасининг мўртлилиги ва тасаввурнинг тўлиқ эмаслиги.

### **Назорат саволлари:**

1. Қарор қабул қилиш методикасининг асосий ўзига хослиги нимада?
2. Амалий вазифаларни ҳал этишда ТТдан фойдаланишининг қандай босқичларини кўрсатиш мумкин?
3. Муаммони танлаш босқичи нима?
4. Муаммони қўйиш ва унинг мураккаблик даражасини чекланиш қандай маънони англатади?
5. Мақсад ва вазифаларнинг иерархиясини ўрнатиш қандай маънони англатади?
6. Вазифаларни ҳал қилиш йўлларини танлаш нима?
7. Моделлаштириш қандай маънони англатади?
8. Эҳтимолий стратегияларни баҳолаш нима?
9. Натижаларни жорий қилиш нимани англатади?
10. Муаммони ҳал қилишда қандай мезонлар қўлланилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Системный анализ и принятие решений: Словарь - справочник. Учебное пособие для вузов / Под ред. В.Н. Волковой и В.Н. Козлова. - М.: Высшая школа, 2014. -616 с.

2. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. Т.: “Иқтисодиёт”, 2011. – 208 б.
3. С.Жўраев, А.Хасанов... Илмий тадқиқот методологияси.Т.2014.
4. Системный анализ и аналитические исследования: руководство для профессиональных аналитиков / А.И. Ракитов, Д.А. Бондяев, И.Б. Романов, С.В. Егерев, А.Ю. Щербаков; [отв. ред. А.И. Ракитов]. - М., 2009. - 448 с.
5. Methods of Teaching. Course Gulde. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012. 44-65.
6. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler. 94-118.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**1-топшириқ.** Қуйида берилган кейс билан танишинг ва ундаги муаммони ечимини топинг.

Маънавий таҳдидларга қарши кураш давлатнинг, бирор бир ижтимоий уюшманинг иши бўлмай, ҳар биримизнинг вазифамиздир. Бепарволик ва лоқайдлик ўз манфаатини жамоат манфаатидан устун қўйишдан, худбинликдан, келажак ҳақида қайғурмасликдан, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ишонмасликдан, қўрқоқликдан келиб чиқади. Жамият келажагини ўйлайдиган инсон ҳеч қачон теварак-атрофидаги ҳодисаларга бепарво, лоқайд бўлмайди. Заарли, ёт жараёнларни фош қиласди, уларга қарши фидойилик билан курашади. Шунинг учун И.Каримов бу масалани алоҳида таъкидлайди: «*Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзи бўларлиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади*»<sup>2</sup>.

Қуйидаги кейс - маънавий баркамол ва комил инсоннинг ақлий, ахлоқий, маънавий фазилатлари юксак бўлиши, кишиларнинг чуқур ва замонавий билим, кенг дунёқараши, мустақил фикрлаш салоҳиятига эга бўлиши, унинг юксак маънавий камолот соҳиби бўлишининг асосий шакли – юксак маънавиятнинг муҳим омили эканлигини кўрсатиб беришга, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ва уларнинг олдини олиш йўлларини ишлаб чиқишига имкон яратади.

Кейсни ечиш жараённида ушбу вазиятни тахлил қилиб, муаммони олдини олиш ва уни ҳал қилиш йўлларини ишлаб чиқишига ҳаракат қилинг.

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун мавзу бўйича маънавий тараққиёт мезонлари ҳақида билим ва кўнимкаларга эга бўлиш зарур.

Тавсия этилган кейсни ечиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон яратади:

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;
- муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гуруҳий таҳлилида билим ва кўнимкаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қабул қилиш кўнимкаларини эгаллаш;

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Маънавият-Т.: 2008.

-ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш.

## Кейс

### **Бепарволик ва лоқайдликка йўл қўймаслик, ҳушёрлик ва жонкуярлик (Муаммоли вазият)**

Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига катта хавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагressия ва СПИД сингари оғатларни кўпчилик яхши билади. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошкора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, уларнинг олдини олмасак, кейин кеч бўлади. Булар Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафасидир.

“Менга нима” деб қараш, лоқайдлик, беписандлик, ўзини, ўз манфаатини ҳаммадан устун қўйиш, худбинлик, ҳамма нарсалар менинг ҳузур-ҳаловатимга хизмат қилиши керак, дейиш, шуҳратпарастлик, кибр, маҳмадоналиқ, тажанглик, бирорни эшита билмаслик, хатосини тан олмаслик, совуқонлик, танқидга чидамсизлик – эгоцентризм дардига дучор бўлган одамнинг белгилари.

Масалан, икки нафар ўсмир маҳалламида сигарет чекиб турибди. Илгари буни кўриб, “Ие. Нега чекади-я бу болалар”, деб, танбех берардик. Бугун эса тўхтаб, гапиришга иродамиз етмайди. Ичимиздаги худбинлик “Нима қиласман кайфиятимни бузиб. Қўй, индама, менга нима, болага ота-она тарбия берсин”, - деб, бепарволик билан ўтиб кетамиз. Орадан маълум бир вақт ўтгач маҳаллада сигарет чекиб турган болаларнинг сони кўпая бошлади. Виждонимиз қийналиб, болаларга танбех беришга яна ҳаракат қилдик. Ҳозирги ўсмирлар ҳам анойи эмас. Бетга чопарлиги бор. “Нима ишингиз бор. Амакиммисиз, ҳоламмисиз”, дейди. Биз эса, “менга нима”, –

деб йўлимизни давом эттирамиз. Чунки ишларимиз жуда кўп, қаергадир шошиляпмиз. Бизнинг гапларимиз ўспирин болаларга ёқмайди. Маълум бир вақт ўтгач, ўспирин болалар секин-аста гиёҳванд модда истемол қила бошлашди. Маҳаллада бирин-кетин аянчли фожеалар рўй бера бошлади. Ўғирлик, муштлашишлар, зўравонлик, тартибсизлик... Қаердан келди бу иллат? Ким айбдор? Қўшни хонадонда истиқомат қилаётган бола гиёҳванд моддани меъёрдан кўпроқ истеъмол қилганлиги туфайли оламдан ўтди. Орадан яна бир неча кундан сўнг яна фалокат. Қўшни аёлнинг фарзанди муштлашиб, оғир жароҳат олибди. Энди маҳалладошлар инсонийлик ва одамгарчилик ҳақида қайфуреб, қўшнилардан кўнгил сўрашга киришишибди.

Боболаримиз: “Бир болага етти қўшни ҳам ота, ҳам она” деган, шунга амал қилган. Кўраяпсизми? Лекин нега биз боболар удумига амал қилмадик? Авлодлар ҳақида қайғурмадик. Бошимизга обдан бирин-кетин кулфатлар тушгандан кейингина одамийлик ва инсонпарварлик ҳақида ўйлай бошладик?

Одам қандай қилиб эгоцентрист бўлиб қолади? Ота-онанинг педагог дастидан. Қандай қилиб? Ота-она ўзлари туқсан боласини еру жаҳонга ишонмай бу дунёning марказига айлантириб оладилар. Болага буни (дунёning маркази бўлишни) ўргатишади. Бола нима қилсин? Ўрганади. Бундай ота-оналар тарбиясида:“Фақат менинг боламга яхши бўлиши керак. Болам баҳтли бўлиши керак” деган тамойилга амал қиладилар ва ... қаттиқ адашадилар.

Боласининг истаган, ҳатто истамаган, сўрамаган нарсаларни ҳам уюб ташлашади. Мехнатни, бировга ғамхўрликни, бошқалар ҳам худди ўзи каби одам эканлиги, уларнинг ҳам ҳурмати, манфаатлари борлигини эслатмайдилар.

Бола боғчасига боради. Ўзидек болалар билан биринчи учрашув. Бошқалардан ота-онасикичалик ғамхўрликни кутади. Кўрмагач талаб қиласи. Биринчи учрашув – жамоа билан биринчи тўқнашувга айланди. Йифлайди.

Мактабда муомала, муроса, бурчни билмайди. Масъулиятсиз. Жон куйдирмайди. Ота-она буни қўллаб-қувватлайди. Бошқа мактабга кўчиради. “катта бўлса ҳаммаси жойига тушиб кетади”, - деб ўзларини алдайдилар. У катта бўлади. Унга қўшилиб талаблари, ишёқмаслик, масъулиятсизлик, бошқаларга иддаолари, иллатлари ҳам вояга етади. Кучга киради.

Ота-онанинг белидан кучи, чўнтағидан барака кетади. Энди бефойда, кераксиз одамларга айланиб қоладилар.

Худбин йигит энди жамоавийлик, кўпчилик бўлиб яшаш тартиб-қоидаларига, бурчларига тўқнашади. Биринчи тўқнашувдаёқ енгилади. “Мен яхши – ҳамма ёмон” деган қулай ёлғон қобиғига уй қуриб, яшай бошлайди. Шундай қилиб, ота-онанинг, кишиларнинг лоқайдлиги жамиятдан, ҳаётдан асоссиз норози эгоцетристларни пайдо қиласи. Маънавий қаровсизлик, бурчсизлик ўсмирни гиёҳвандларга, жиноятчиларга, ким мўмай пул ваъда қиласа, ўшаларга топширади.

Шу тариқа, эгоцентрист-худбинлар жабрини биринчи – уларнинг ота-оналари тортади. Кейин бошқалар. Чунки тушунтириб, одамларга яхшилик қилиш керак десангиз, “бунинг томи кетибди”, - деб ўйлайди. “Ватанга нима бердинг?” десангиз, у: “Ватаним менга нима берди?”, - дейди ўқрайиб. Чунки

у туғилгани, яшаётгани борлиги учун ҳамма унга нимадир бериши керак. У эса ҳеч кимга ҳеч нарса бермаслиги керак. У сизга “фойдаланса бўладиган ё бўлмайдиган нарса”, - деб қарайди. Бизларни бу кўйга тушишдан Худонинг ўзи арасин.

### **Саволлар:**

1. Сизнинг фикрингизча ушбу мақолада муаллиф қандай муаммони кўтариб чиқкан?
2. Мақолада муаммони тасдиқловчи қандай далиллар мавжуд?
3. Вазиятдаги бепарволик, лоқайдлик туфайли вужудга келган салбий иллатларни ажратиб олинг ҳамда ушбу муаммонинг келиб чиқиш сабаби нимада деб уйлайсиз?
4. Муаллиф ўз мақоласида муаммони олдини олдиш йўлларини қандай баён этган?
5. Сизнинг фикрингизча ушбу муаммони қандай ечиш мумкин?

### **2-топшириқ. Ассесмент методини қўллаш.**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнилмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур метода орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти тест олиш, муаммоли вазиятларни ечишни машқ қилишбўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна:** Тингловчиларнинг маъруза ва амалий машғулотларида олган билим даражаларини ўрганиш, ўзлаштириш даражаларини баҳолаш мақсадида машғулотлар сўнгига ассесмент методини қўллаб, аввалдан тайёрланган тестлар ёрдамида текширув ўтказилиши мумкин.

## VI. ГЛОССАРИЙ.

### **Тизимли таҳлилнинг асосий тушунчалари ва атамалари**

**Абстракция** (лот. *Abstraktio* - мавхумлик) билиш шаклларидан бири бўлиб, у нарса (жараён) ларнинг бир қанча хоссаларини ва улар ўртасидаги алоқадорликларни фикран назардан соқит қилишдан ҳамда бирор бир хосса ёки муносабатни ажратиб кўрсатишдан иборат.

**Адаптив метод** – олдин қабул қилинган қарорга ўхшаш қарор қабул қилинади.

**Аргумент** (лот. *argumentum* – асос, далил) тизимли таҳлилда бирон бошқа фикр, хуросалар тизимининг хақиқатлигини тасдиқлаш учун келтириладиган фактлар тизими.

**Алгоритм** (лот. *algorithmī*–ибтидо) - маълум бир соҳага оид муаммоларни хал килишда ишлатиладиган жараёнлар тизимининг муайян тартибда бажарилишининг аниқ дастури.

**Альтернатив** (муқобиллик) – бир-бирига қарама-қарши бўлган) икки вазиятдан, фикрдан, нарсадан, имкониятдан бирини танлаш ёки танлашга мажбур бўлмоқ.

**Аналогия** - икки бир-бирига ўхшайдиган обьектлардаги бир хилликлар, уларнинг шакллари ва улар ўртасидаги мантиқий алоқадорлик.

**Ахборот-таҳлилий хужжат** - ахборот таҳлилий фаолият субъектлари томонидан сиёсий бошкарувга сиёсий карор қабул килиш учун бажариладиган таҳлилий хужжатнинг бир кўриниши.

**Биографик метод** (юонон тилида *bios*-хаёт, *grāho*-ёзяпман) – шахс хаёт йўлини тадқиқ этиш, ташхислаш, коррекциялаш, режалаштириш услуби.

**Башорат** – эҳтимоллик билан боғлиқ илмийликка асосланган у ёки бу ходисанинг истиқбол, эҳтимолли холатлари ҳақидаги қарашлар.

**Брейнсторминг услуби** – психологияк услугуб бўлиб, “ақлий хужум” деган маънони англатади.

**Воқеа** - обьектив воқелик, айрим ҳодиса.

**Декомпозиция** - тизим тўғрисидаги умумий тасаввурни таъминловчи қисмларга ажратиш. Тизимни коммуникатив ҳамда, тизим тўғрисидаги умумий тасаввурни таъминловчи қисмларга ажратиш, таснифлаш.

**Дедукция** (юонон. *deductio*) – воқеа (жараён) ларни, муаммони ўрганишда умумий билимлардан жузий хуроса чиқариш жараёни сифатида амалий мазмун касб этади. Умумийдан хусусийга бўлган мантиқий хуросаларга асосланади.

**Индукция** (лот. *induction* - йўқламоқ) – бир неча якка ёки айрим хукмлардан умумий хукмга ўтиш ёки айрим воқеа, ходисаларни ўрганиш асосида умумий қонун-қоидалар яратиш жараёнини вужудга келтиришни таъминлайди. Хусусийдан умумийга бўлган мантиқий хуросаларга асосланади.

**Дельфи услуби** - ҳарбий-стратегик ва ҳарбий-техник муаммоларни тадқиқ қилиш учун ишлаб чиқилган усул.

**Истисно методи** - таркибий қисмларнинг катта гурухларининг учинчи истисно қонуни асосидаги босқичма босқич истиснога асосланади.

**Классификация** - тушунчанинг мантиқий ҳажмини кўпдаражали, тармоқларга ажратилиши, объектларнинг мавжуд белгилари бўйича тартиба солиниши.

**Когнитив харита** - муаммоли вазиятнинг характеристи ва тузилмаларини белгилашга қаратилган тадқиқот объектидаги сабаб–оқибат алоқаларининг жадвалли акси.

**Консенсус** - мухокама қилинаётган ёки баҳсли масала бўйича баҳс–мунозара ва позицияларнинг яқинлашуви натижасида овоз бериш жараёнисиз эришилган умумий келишув.

**Констатация** - далил, ҳодиса, ҳаракат ва бошқаларнинг бегумонлигини аниқлаш, қайд этиш.

**Концепция** - бирор соҳани ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли лойиха ёки соҳа тараққиётини асослаб беришни ўз ичига олган қарашлар мажмуи.

**Критерия** - ҳақиқатлик белгиси бўлиб, унинг асосида баҳолаш, англаш, бошқариш, оптималлаштириш ва ҳ.к. амалга оширилади.

**Кейс–стади методи** - таҳлилий кўникаларни баъзи бир матнларни жамоавий мухокама қилиш воситасида ўрганиш бўлиб, бунда тасвирланаётган вазият “кейс” деб номланади.

**Тизим** – бу ўзаро боғлиқ қисмлардан ташкил топган концептуал ёки жисмоний бўлган ҳар қандай мавжудлик. Тизим деганда одатда ўзаро узвий боғлиқ бўлган объектлар ва уларнинг таркибий қисмларининг йифиндиси тушунилади. Масалан, бизни жисмонан ўраб турган атроф-муҳитнинг қисми сифатида тоғлар, дарёлар, қуёш тизимлари мавжуд. Бундай талқинда ҳар хил қисмлардан йифилган машина, ҳужайралар йифиндисидан ташкил топган тирик организмни ҳам тизим деб қабул қиласак бўлади. “Тизим” тушунчаси инсон фаолиятининг ҳар хил тармоқларида кенг тарқалган режа, услугуб, қоидалар каби тушунчалар билан боғланган.

**Объект (элемент).** Элемент деганда одатда тизимнинг содда, бўлинмас қисми тушунилади. Умумий кўринишда бу каби қисмлар сони чексиздир. Уларни ажратиб олиш таҳлил мақсадини шаклланишига ва тизимни қурилишига боғлиқ. Агар тизимнинг элементи сифатида муайян муносабатлар билан ўзаро боғлиқ бўлган тушунчалар қабул қилинган бўлса, у ҳолда биз рамзий (абстракт) аҳамиятга эга бўлган тизимларга дуч келган бўламиз. Бунга мисол тариқасида тилларни, ҳисоблаш тизимларини, алгоритмни келтириш мумкин. Реал (моддий, жисмоний) тизимлар ўз ичига камида иккита жисмоний обьектни олади. Реал тизимни яратилиши у айрим таркибий қисмлардан синтез бўлишини англатиши қуйидаги кетма-кетликларда намоён бўлади: тизимнинг маъноси, компонентларни таҳлил қилиш ва ажратиб олиш, конструкциясини яратиш, компонентлар, компонентларни бир бутунликка бирлаштириш.

**Қуи тизим.** Тизим элементларга бирданига ажратилиши мүмкін эмас. Уни аввало қуи тизимларга босқичма-босқич ажратган маъқул. Қуи тизимларнинг ўзи тизим бўлгани учун уларга, мос равишда, тизим тўғрисида нима айтилган бўлса, хатто уларнинг бутунлиги тўғрисидаги айтилганларнинг барчаси тегишлидир. Шу билан қуи тизим (яъни мақсад билан бирлаштирилган ва яхлитлик хусусиятига эга) элементларнинг оддий йиғиндисидан ажралиб туради.

**Мантиқий ёндашув** - ҳар бир ҳодиса, жараённи уларнинг ҳозирги вақтда эришган ривожи нуктасида кўриб чиқиши.

**Моддий тизимлар** реал вақтда бор объектлардир. Ўз ўрнида улар табиий ва сунъий тизимларга бўлинади.

**Табиий тизимлар** - табиатан, инсон иштирокисиз пайдо бўлган ва фаолият олиб борадиган тизимлар. (Инсоннинг нерв тизими, қон айланиш тизими, ўсимликлар, дарёлар, тоғлар тизимлари ва хоказо).

**Сунъий тизимлар** - инсон иштирокида пайдо бўлган ва фаолият кўрсатадиган тизимлар. (Уларга мисол сифатида сиёсий тизим, иқтисодий тизим, харбий тизим, маданий тизим, таълим тизими, соғлиқни сақлаш тизимини кўрсатиши мүмкин).

**Мавхум (абстракт) тизимлар** – бу моддий образлар ёки моделларнинг тафаккур ёрдамида акс эттирилиши бўлиб, улар баёнли (мантиқий) ва белгили (математик) тизимларга бўлинади. (Улар исон тафаккурининг махсузли).

**Мантиқий тизимлар** моддий тизимларнинг дедуктив ёки индуктив ифодаланишидир.

**Катта тизимлар** - бир вақтнинг ўзида бир кузатувчи томонидан замон ва маконда кузатила олмайди. (*Масалан коинотнинг алоҳида бир бутун қатламлари атмасфера, биосфера, стратосфера сифатида кўриниши мүмкин*).

**Ёпиқ тизим** - қаттиқ мустаҳкамлаб қўйилган чегараларга эга. Унинг ҳаракатлари тизимни ўраб турган муҳитдан нисбатан мустақил.

**Очиқ тизим** - ташқи олам билан ўзаро боғлиқлиги билан изоҳланади.

**Яхлитлик** - тизимнинг айрим қисмида муайян ўзгариш юз берса ва бу ўзгариш бутун тизимга таъсир қиласа, у ҳолда тизим ўзини яхлит бирикма каби тутмоқда деган тўхтамга келинади.

**Яккалик** - тизимнинг маълум қисмида юз берган муайян ўзгариш бутун тизимга кутилган даражада таъсир қилмайди.

**Коммуникативлик** - тизимларнинг асосий қисми алоҳида эмас, балки ташқи дунё билан кўплаб коммуникациялар ёрдамида боғланган ҳолда мавжуд.

**Иерархиялик.** Иерархиялиқда бошланғич тизим декомпозициясининг кетма-кетлиги қатор босқичларга, яъни қуи босқичнинг юқорисига тобелигини белгилаш тушунилади.

**Тузилмалар.** Тизим элементларни оддий санаб ўтиш ёки муайян кўпчиликка тегишли хусусиятни бериш ёхуд қуи тизимларга,

компонентларга, элементларга уларнинг ўзаро боғлиқлигини инобатга олган ҳолда кетма-кет қисмларга ажратиш йўли билан эътиборга хавола қилиниши мумкин. Бундай ўзаро боғлиқликлар тизимни ва унинг асосий жиҳатларини мавжуд бўлишини таъминлайди. Тузилмавий жиҳатлар элементлардан нисбатан мустақил бўлиб, бир тизимдан иккинчисига ўтишда тузилмавий жиҳатларни биридан иккинчисига ўтказишда аниқланган қонуниятларни ўтказишда ўзга вариант сифатида бўлиши мумкин (ҳатто бу тизимлар ҳар хил жисмоний табиатга эга бўлса ҳам). Тузилма жуғрофий кўринишида, назарий-кўплик муносабатда, матрицалар кўринишида акс эттирилиши мумкин.

**Функция.** Бу муайян объектни ушбу муносабатлар тизимидағи фаолияти, иши, хусусиятининг ташқи акс этиши. Функциялар тадқиқотлар мақсадига кўра турли хусусиятлари бўйича таснифланади.

**Хусусият.** Бу объект параметрлари сифати, яъни объект тўғрисида билим олишга кўмаклашувчи усулининг ташқи кўриниши. Хусусиятлар тизим объектларини сон кўринишида изоҳлаб беришга имкон бериб, уларни маълум ҳажмга эга бўлган бирликда кўрсатади. Шу ўринда улар тизимнинг фаолияти натижасида ўзгариши мумкин.

**Алоқа.** Бу тушунча тизимнинг ҳар қандай тарифига тегишли ҳамда тузилмани пайдо бўлишини ва асралишини ва тизимнинг бутунлик хусусиятини таъминлайди. Шунингдек тизимнинг қурилишини қандай изоҳласа худди шундай унинг фаолиятини ҳам тавсифлайди. Алоқалар йўналиши (йўналтирилган – йўналтирилмаган; тўғри ва ортга қайтган), кучи (кучли - кучсиз), ўзига хослиги (бўйсундириш алоқалари, яратиш, тенглик, бошқариш) билан тавсифланади. Деярли барча тизим элементлари ва қуий тизимлар ўртасида алоқалар мавжуд.

**Ҳолат.** Вақтнинг аниқ бир даврида тизимнинг хусусияти тўғрисидаги билимларни аниқлашни таъминлаб берувчи тизимларнинг оний тавсифи (ривожланишдаги тўхташ). Ҳолат кириш таъсиrlари ва чиқиш натижалари орқали ёхуд умумтизим хусусиятлари орқали аниқланади. Статик тизим – бу тизим битта ҳолатда дегани. Динамик тизим – қўп ҳолатли тизим. Унда вақт ўтиши билан бир ҳолатдан иккинчисига ўтиш кузатилади.

**Хатти-ҳаракат.** Тизим ҳолатининг ўзгариши. Унинг якунланишининг муайян натижаси тизимнинг “ўзини тутиши” деб аталади. Асосан “хатти-ҳаракат” атамаси одам-машинали ёки ташкилий тизимларга тегишли.

**Мувозанат.** Ушбу тушунча ташқи бўхронларнинг йўқлигига ўз ҳолатини ноаниқ бўлган узоқ вақт давомида сақлаб туришга “қурби етадиган” тизим ҳолати сифатида тарифланади.

**Маълумотлар манбалари** - ёзма, моддий, этнографик, оғзаки, лингвистик, фото ва кино хужжатлари, фонохужжатлар, электрон хужжатлар.

**Чидамлилик.** Ушбу тушунча остида тизимнинг ташқи бўхронларининг таъсиридан кейин мувозанат ҳолатига қайта олиш қобилияти тушунилади. Тизимнинг мувозанат ҳолатига қайта олиши, мувозанатнинг чидамли ҳолати деб аталади. Техник тизимлар учун

чидамлилик тушунчаси қатъий аниқлаб қўйилган бўлиши мумкин. Инсон-машинали ва ташкилий тизимлар учун ушбу тушунча сезиларли даражада сифатли аниқлаб қўйилади.

**Ривожланиш.** Ривожланиш деганда муайян белгилаб қўйилган вақтдан ҳолатнинг кетма-кет ўзгаришини тушунамиз. Ушбу ўзгаришлар тавсифи тизимда рўй бераётган атроф-муҳит билан ўзаро муносабатлар жараёни билан аниқланади. Ўзгаришлар бир хил, “сакровчан” яъни ўтиб бўлинган ҳолатларни (босқичли ривожланиш) қайтарувчи бўлиши мумкин.

**Мақсад.** Бу тизим ривожланишининг асосида ётувчи ва унинг мақсадли йўналишини (мақсадлилигини) таъминловчи ТТнинг энг муҳим тушунчаларидан бири. Мақсадни муайян вақт оралиғи чегарасида етишиб бўладиган фаолиятнинг исталган натижаси сифатида аниқлаштириш мумкин. Мақсад тизим олдида турган вазифага айланаси учун унга етишиш муддатлари кўрсатилган ва исталган натижанинг қийматли тавсифи аниқлаштирилган бўлиши керак. Вазифа ёки бир қатор вазифалар ечилиши натижасида, агар дастлабки мақсад нисбатан содда қуи вазифаларнинг (хусусий) муайян йиғиндисига бўлиниши мумкин бўлса, мақсадга эришилади. Мақсад – бу келажакдаги фаолиятнинг идеал натижаси ва тизимнинг асл моҳиятини аниқлайди.

**Математик моделлаштириш** - қандайдир математик обьектни берилган аниқ обьектга мос келишини ўрнатиш жараёни.

**Предметли (предметли йўналтирилган) фикрлаш** – бу услугуб бўлиб, нисбатан тор ва аниқ бўлган муайян йўналишга (вокеага, ходисага) қаратилган илмий жараёндир.

**Парадигма** - ўз ҳамжамиятида намуна, меъёр, муаммолар ечимининг стандарти сифатида қабул қилинган тарихий шаклланган методологик, дунёқарааш, илмий, бошқарув ва бошқа меъёрларнинг мажмуи.

**Синектика услуби** - энг тўғри жавобларни мутахассислар эмас, балки ўрганилаётган масалаларни юзаки билувчилар таклиф этиши усули. бу усуллар ёрдамида янги, ноодатий, ўзига хос қарорлар ишлаб чиқилиши мумкин.

**Илмий (муаммоли) семинар** - етакчи олим, мутахассис раҳбарлиги остида ўтказиладиган иштирокчиларнинг нисбатан кичик грухси томонидан тайёрланган илмий маъruzалар, хабарларни муҳокама қилиш.

**Илмий конференция (анжуман)** - илмий ёки илмий-амалий ходимлар вакилларининг йиғилиши (сўнгги ҳолатда анжуман илмий-амалий анжуман деб аталади).

**Илмий доклад** - мазмунига кўра илмий ҳисоботнинг айнан ўзи. Айни вақтда, у бутун тадқиқ қилинаётган муаммони эмас, балки унинг қандайдир мантиқан ниҳоясига етган қисми жиҳатини қамраб олиши мумкин.

**Илмий фараз** - кузатилаётган ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги алоқанинг у ёки бу шакли тўғрисидаги таҳмин сифатида чиқади.

**Илмий фактлар** - илмий фактлар, инвариантдир, улар назариялар тузилмасига кирган ҳолда улардан мустақилдир, чунки улар ўз асосига кўра моддий воқеликка бориб тақалади.

**Илмий факт (синоним: ҳодиса, натижа)** - факат муайян тарзда қайд қилинган белгиланган ҳодисалар ва воқеалар.

**Контент-таҳлил** - ижтимоий омиллар ривожининг тенденцияларини аниқлашда қўлланадиган ҳужжатларни сифатий таҳлил этиш усули.

**Сўров методи** - социологик тадқиқотларда дастлабки маълумотларни ийғиш методи.

**Ёзма манбалар** - йилномалар, қонунчилик ҳужжатлари, иш юритиш ҳужжатлари, актлар, статистика маълумотлари, даврий матбуот, шахсий ҳужжатлар, адабий ёдгорликлар, публицистика ва сиёсий асарлар, илмий ишлар, дипломатик ёзишмалар ва халқаро шартномалар.

**Мониторинг** - бу объектнинг ҳолатини, унинг айрим мезонлари қийматини, юз бераётган жараёнлар динамикасини ўрганиш.

**Тизимли (тизимли йўналтирилган) фикрлаш** – бу услуб бўлиб, предметли (предметли йўналтирилган) фикрлашга нисбатан кенгроқ (ўз ичидаги иккита ундан ортиқ предметли, (предметли йўналтирилган) фикрлашга тааллуқли бўлган объектларни мужассамлаштирган) лекин аниқ бўлган муайян йўналишга (воқеага, ҳодисага) қаратилган илмий жараёндир.

**Предметли таҳлилчи (предметли-йўналтирилган)** – муайян предметли соҳани, муаммони айнан шу соҳага тегишли тамойиллар, услублар ва технологиялар асосида ўрганувчи, изохловчи инсон, профессионал. Бу ушбу муаммони тор маънода ўрганишни англашмайди. Лекин амалиётда айнан шундай ҳолатлар кўп учрайди.

**Рамзий моделлаштириш** - аниқ объект ўрнини босадиган мантиқий объектни яратишнинг сунъий жараёнидан иборат ва аломатлар ҳамда рамзларнинг муайян тизими ёрдамида объектнинг асосий хоссаларини ифодалайди.

**Тизимли (тизимли-йўналтирилган) таҳлилчи** – тизимларни тизимли ёндашув, таҳлил тамойиллари асосида ўрганувчи, изохловчи яъни муаммони комплексли ўрганувчи юқори даражали инсон, профессионал (эксперт). Унга мультибилимларга, етарли кенг дунёқарашга ва малакага, юқори даражали интуицияга, ўзини тутишга, мақсадли, таъминланган қарорларни қабул қилиш маҳоратига асосланган ўзгача фикрлаш тарзи ҳосдир. Унинг асосий вазифаси – предметли таҳлилчига предметли муаммоларни англаш етишда,

тўғри қарор қабул қилишга кўмаклашиш, уларнинг қарорларининг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашга ва ўрганиб чиқиши ёрдамлашиш.

**Тизимнинг белгилари** - кўпчилик элементлар; уларнинг яхлитлиги ва орасидаги боғлилик; тузилиши ва кетма-кетлиги; умумлаштирувчи ва ажратувчи томонлари.

**Тизимли таҳлил** - мураккаб хисобланган ижтимоий, сиёсий, харбий, иқтисодий, илмий характерга эга бўлган масалаларни ўрганиш учун кўлланиладиган, таҳлилий услублар ёрдамида амалга ошириладиган онгли ҳаракатлар кетма-кетлиги.

**Тизимли таҳлил** – мураккаб тизимларнинг шаклланиши, фаолият кўрсатиши, парчаланиш жараёнлари, қарама-қаршиликлар вужудга келиши, ривожланиши ва хал этилиши жараёнларининг умумий қонуниятлари, шунингдек мураккаб тизимлардаги мақсадларни синтез қилиш қонунларини ўрганадиган таҳлил тури.

**Тизимли таҳлил объекти** – ўрганилаётган муаммо ёки ходиса.

**Тизимли таҳлил предмети** бўлиб тизим ва тизимли жараёнлар, шунингдек обьектнинг тавсифи, ТТ муаммосини ечишнинг услугуб ва йўллари хизмат қиласди.

**Тизимли таҳлил кайси соҳалардаги типик муаммоларни ўрганади** - хавфсизлик, давлат бошкаруви, иқтисодиёт.

**Англаб етишнинг ўзига хослиги** – фикрлашнинг аналитик ва синтетик кўринишларидан фойдаланишdir, яъни бир бутунни қисмларга бўлиш ва мураккаблиликни нисбатан содда бўлган таркибий қисмлар кўринишида намоён қилиш ва аксинча содда бўлганларни бирлаштирган ҳолда мураккабликни ташкил этиш.

**Якуний мақсад тамойили** - бу якуний мақсаднинг мутлақ устиворлигидир.

**Ўлчаш тамойили** - бу тизим фаолият кўрсатиши самарадорлигини аниқлаш.

**Эквифиналлик (ўзгарувчанлик) тамойили** – бу тизимнинг бошланғич ва чегарадаги шароитларга нисбатан барқарорлик шаклидир.

**Бирлик тамойили** – бу яхлитлик ва қисмлар (унсурлар) мажмуи сифатидаги тизимни бирликда кўриб чиқишидир.

**Боғлиқлик тамойили** – тизимнинг ҳар қандай қисмини унинг атрофидаги элементлар ва ташқи мухит билан боғлиқликда кўришни англатади.

**Модулли барпо этиш тамойили** – тизимнинг бир қисми ўрнига унга кирувчи ва чиқувчи таъсирлар мажмуини тадқиқ этиш имконини беради.

**Иерархия тамойили** – қисмларни занжирга тизиш ва уларни даражаларга тақсимлаш.

**Функционаллик тамойили** – тузилма ва функция тузилма устидан функцияни устиворроқ ҳолда биргаликда кўриб чиқишидан иборатдир.

**Ривожланиш тамойили** – бу тизим ўзгарувчанлигини, унинг ривожланишга, мосланишга, кенгайишга, қисмларни алмаштиришга, ахборот жамлашга бўлган салоххиятини хисобга олишдир.

**Номарказлаштириш тамойили** – бу марказлаштирилган ва марказ тасарруфидан чиқарилган бошқарув мураккаб тизимлардаги бирикмалардир. У одатда марказлашган даража энг кам бўлиши лозимлигидан иборат.

**Ноаниқлик тамойили.** Бу тизимдаги ноаниқликлар ва тасодифлар мавжудлигини хисобга олишдир.

**Ахборот тахлили тамойили** – бу ахборий маълумотлар ўрганилиши, иерархик бўғинларга боғланиши, хулосалар тайёрланиши ва бошқарилишини кўрсатади.

**Тизимли тахлилнинг мақсади** - муаммо бўйича қўйилган вазифаларга асосан имконият ва ресурслардан фойдаланган холда муаммони ҳал қилиб, натижага эришиш. Бошқача айтганда, ТТнинг мақсади қўйилган муаммонинг ечимида намоён бўлади.

**Тизимли тахлилнинг вазифалари** - уларни ечиш босқичларидан келиб чиқади. Уларга декомпозиция (*тизимни янада кичик тизимчалардан ташкил топган тизим сифатида кўрсатиш*), анализ ва синтез вазифалари киради.

**Анализ (тахлил) вазифалари** - ўрганилаётган тизимга таъсир этувчи асосий ички ва ташқи фактор ва жараёнларни аниқлаш.

**Тахлил** - мураккаб тафаккур операцияси ҳисобланиб, унинг ёрдамида предмет ва жараёнлар (ҳодисалар) аниқ ўлчов бирлигига эга бўлган усуллар воситасида яхлит тарзда ёки алоҳида қисмларини турли белги ва хусусиятлари бўйича алоқадорлик даражасини белгилаб беради.

**Тахлил тушунчаси ўзи қўйидаги таснифларга эга:**

- нарса, ҳодиса ва шу кабиларни моҳият, қонуният ва бошқа жиҳатлардан текшириш, ўрганиш иши;
- бирор нарса, маълумот ва шу кабиларни маълум нуқтаи назардан ўрганиш, баҳолаш;
- бирор нарсанинг таркибини белгилаш ва унинг моҳиятини тадқиқ этиш.

**Синтез вазифалари** - максимал тўғри қарор қабул қилишга имконият берувчи тизим тузиш.

**Педагогик тизим** - бу ягона мақсад сари, аниқроғи шахснинг камолотини таъминлаш учун ўзаро алоқадор бўлган, бир бирини тўлдирувчи, такомиллаштирувчи, сон ёки сифат кўрсаткичи бўйича бир хосса ўзгарса албатта иккинчи хосса ҳам ўзгарадиган, турли тузилмавий таркиблардан (яъни: педагогик фаолият, педагогик жараён, педагогик ҳамкорлик, педагогик мавжудлик (амалиёт)) иборат бўлган мажмуудир (яхлитликдир).

**Вазиятли ёндашув (ситуатив ёндашув)** бу – энг яхши ижобий натижага интилиш демакдир.

**Тизимли ёндашув бу** - дунёни англаш услуби бўлиб, унинг асосида ўрганилаетган обьектларни тизим сифатида кўриш ётади.

**Тизимли ёндашув** бу - шундай ёндашувки, унда хар қандай тизим (ходиса, воеа, жараён, бирон-бир объект) бир-бири билан алоқадор элементлар (унсурлар) сифатида ўрганилади. Бу алоқалик кириш (мақсад) ва чиқиши (ресурслар), хамда ташқи мухит билан алоқаликка эга.

**Тизимли ёндашувнинг асосий фаразлари** - дунёда тизимлар мавжуд; тизимлар бир-бири билан алоқада; демак дунё хам тизим.

**Тизимли ёндашувнинг ўзаро алоқадор бўлган жихатлари:**

-**тизимли –хоссавий (элементли)**, тизим нималардан таркиб топган деган саволга жавоб бериш учун хизмат қиласди;

-**тизимли-структуравий**, тизимни ички тузилишини, унинг таркибларини таъминланишини белгилаш учун хизмат қиласди;

-**тизимли-функционал**, тизим ва уни вужудга келтирувчи қандай вазифаларни бажаришини ажратиб бериш учун хизмат қиласди;

-**тизимли-коммуникатив**, тизимнинг бошқа тизимлар билан горизонтал ва вертикал алоқадорликлари моҳиятини белгилаш учун хизмат қиласди;

-**тизимли-интегратив**, тизимни сақланиш механизми, сақланиш омиллари ва такмилашувини белгилаш учун хизмат қиласди;

-**тизимли-тарихий**, “тизим қандай шаклланган”, “ривожланиш давомида қандай босқичлардан ўтган”, “тизимнинг истиқболи қандай” деган саволларга жавоб бериш учун хизмат қиласди.

**Тизимли ёндашувнинг тамойиллари:**

**Бутунлилик тамойили.** Тизимни хосил қилувчи барча элементлар бир бутунни ташкил қиласди.

**Иерархиялик тамойили.** Тизимдаги барча элементлар бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирига бўйсинади.

**Тузилмалилик тамойили (структуризация).** Тизимдаги турли элементларининг бир-бири билан ўхшаш белгилар асосида бирлашуви ва кичик тизимлар хосил қилиши. Бу кичик тизимлар бир-бири билан алоқадор.

**Кўплик тамойили.** Бутун тизим, ёки уни ташкил эътувчи кичик тизимларни изохлашда кўп ва ҳилма-ҳил моделлар ишлатилади.

**Тизимлилик тамойили.** Тизимга таалуқли барча белгиларга эгалиги.

**Педагогик фаолиятда тизимли ёндашув** – бу педагогикага бир-бири билан узвий ва чамбарчас боғланган элементлар мажмуи – тизим сифатида қарашни англатади.

**Анализ** - уни ташкиллаштирувчи компонентларга ажратиб, ҳар бирини алоҳида ўрганишdir.

**Синтез** – тизимни ташкил этувчи компонентларни яқин, ўхшаш белгилари асосида бир тизимга бирлаштириб, уларни ўрганишни англатади.

**Педагогик фанлар тизими** бу - педагогикадаги турли соҳалар (маҳсус фанлар педагогикаси, болалар педагогикаси, диний фанлар педагогикаси ва хоказолар) мажмуuidir.

**Эксперимент** - хулоса ва вазиятларнинг назарий асосини текшириш мақсадида сунъий вазиятни юзага келтиришда тажриба услуби табиий фанлардаги асосли услублардан бири ҳисобланади.

**Муаммо бу** - жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва ечиш усули номалум бўлган савол.

**Муаммоли вазият** - керакли қарор ишлаб чиқариш ва қабул қилишга таъсир этиши мумкин бўлган жихатлар йифиндиси.

Мавжуд билим ва кўникмалар орқали ечиб бўлмайдиган, янги билимга зарурият уйғотадиган вазият.

Ижтимоий обьект тараққиётининг нобарқарорлиги, келгуси тараққиёт талабларига мос келмаслик холати.

**Эмпирик усуллар (усул-ҳаракатлар)** - эмпирик усул-ҳаракатларни, энг аввало, уч тоифага бўлинади обьектни устидан кузатиш, ўзгартирувчи, ретроспекция ва башпоратлаш усуллар.

**Экстраполяция усули** - фан-техника, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари ривожланиши тенденцияларининг таҳлили билан боғлиқдир.

**Метод бу** - муайян мақсадга эришиш, аниқ вазифани бажариш усули, борлиқни амалий ва назарий ўзлаштириш (билиш) усуллари ёки жараёнлари мажмуui.

**Педагогик вазият** – бу педагогик жараённинг таркибий қисми бўлиб, у орқали педагог педагогик жараён ва педагогик тизимни бошқаради. Бу педагогик жараён, педагогик тизимнинг вақт оралиғида тўпланган (концентрация қилинган) кўринишидир.

**Бошқарув** - белгилаб олинган аниқ мақсадга мувофиқ, у ёки бу натижага эришиш учун институционал тарзда тартибга келтиришга, барпо этишга, такомиллаштиришга, қисқартиришга ёки обьект тузилишини ўзгартиришга қаратилган, субъектнинг обьектга турли кўриниш ва даражаларда таъсир этиш жараёни.

**Бошқарув** - қилинган ишлар ва эришилган ютуқлар бўйича холатни ўрганиб доим таҳлил қилиб бориш; режалаштириш, ташкиллаштириш, қарор ишлаб чиқариш ва қабул қилиш, шунингдек қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилиш каби харакатлар мажмуui.

**Қарор** – бу бошқарув субъекти тамонидан ўз имконият даражасидан келиб чиқсан холда, мавжуд маълумот таҳлили асосида бошқарув обьекти қилиши керак бўлган ва шу соҳадаги муаммони хал қилишга қаратилган харакат.

**Қарор** келажакда қилиниши керак бўлган харакатни кўрсатиб, “нима қилиш керак” деган саволга жавоб беради. Қарорнинг мазмунида қилиниши керак бўлган ишнинг мақсади ва предмети бирлашади.

**Ижро этувчи ёки шахсий қарорлар** - қарор қабул қилувчининг ўзига тегишли, ўзи қилиши керак бўлган харакатларни кўрсатувчи қарорлар, ва умуман олганда “нима қилишим керак” деган саволга, ҳамда “у нарса

қиласан”, “бу нарса қилишим керак” деган маънони англатадиган қарорлар.

**Бошқарувчи қарорлар** - бошқарувдаги шахсларга нисбатан қабул қилинади ва уларнинг харакатини белгилаб беради.

**Педагогик қарор** - бу субъектлараро мавжуд ижтимоий муносабатлардаги педагогик ва психологик мулоқат натижаси.

**Вазиятни кўрсатувчи маълумотлар**, конкрет хал қилиниши керак бўлган вазиятни англатади. *Бундай маълумотлар тез ўзгарувчан, қайтарилмас бўлиши мумкин.*

**Мезонларни кўрсатувчи маълумотлар** қарорнинг шаклланиш жараёнини йўналтиради, унга мезон бўлади. *Бундай маълумотлар одатда қонунларда, меёрий хужжатларда ўз аксини топган бўлади. Уларда қарор қабул қилишига қўйиладиган асосий вазифалар, қарорни ишлаб чиқарии услугияти ва бошқалар ўз аксини топади.*

**Намунавий маълумотлар** шу соҳада ва шунга яқин соҳаларда қарор қабул қилиш бўйича мавжуд тажрибаларни англатади. *Бунда сўз қарор қабул қилувчининг шахсий тажрибасидаги, ҳамда ўзгалар тажрибасидаги намуналар ҳақида юритилади.*

**Йўналтирувчи (йўл кўрсатувчи)** ролнинг маъноси шундаки, унда бўлажак (эришиш керак бўлган) мақсад аниқланади, тушунтирилади. Мақсад эришиш керак бўлган образнинг идеали сифатида ижро чилиларга йўл кўрсатади.

**Ташкиллаштирувчи-мувофиқлаштирувчи** ролли қарорлар нинг мақсадига етишда фойдаланиладиган инсон ресурслари ва бошқа имкониятлар, қарорни ечишда уларнинг ўрнини белгилайди. Бу роль айниқса режа асосида колектив ижро этилиши керак бўлган муаммоларни хал қилишда асқотади. У ким, кимга, ким билан, қачон, нимага ўхшаган саволарга жавоб беради.

**Методик (услубий)** ролнинг маъноси шундаки, у мақсадга эришиш учун қандай усул ва услублар, йўллар ишлатилишини кўрсатади. Бу услублар қарорнинг ўзида кўрсатилиши мумкин. Айрим холларда ижро чилиларнинг ўзлари топишади.

**Педагогик-тарбияловчи** ролнинг маъноси унинг номи айтиб турганидек, ижро чилилар фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган. Қарорнинг шаклланиш жараёнида ижро чилилар тайёрлиги аниқланади. Агар улар тайёр бўлмаса, улар билан керакли тайёргарликлар ўтказилади.

**Структуравий қарорлар** педагогик фаолиятнинг ташкилий тузилмасини тузиш ва такомиллаштиришга қаратилган харакатлар хисобланади.

**Ташкилий қарорлар** соҳа фаолиятини рағбатлантиришни, назорат қилиш, хисоботларни ташкиллаштириш ва бошқа ташкилий харакатлар билан характерланади.

**Функционал қарорлар** мутахасисларнинг, улар қаторида педагогларнинг ҳам ўз функционал мажбуриятларидан келиб чиқади.

**Стратегик қарорлар.** У юқори бошқарув органлари томонидан туб ва истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш мақсадларида қабул қилинади.

**Тактик қарорлар** мақсадга эришишнинг восита ва усуллари хусусидаги жорий, тезкор қарорлардир.

**Умумий қарорлар** бир хил муаммога даҳдор бўлиб, барча бўғинлар учун бирдек амал қилинади (*масалан иш кунининг бошланиши ва тугаши, тушилик вақти, иш хақини тўлаши муддати ва хоказо*).

**Махсус қарорлар** тор доирадаги муаммога тааллукли бўлиб, ташкилотнинг муайян бир бўлими ёки бир гурух ходимлари юзасидан қабул қилинади.

**Стеоротип қарорлар** одатда қатъий йўриқномалар, меёрий хужжатлар доирасида қабул қилинади. Бундай қарорлар базан кундалик масалалар бўйича қабул қилинади, лекин ўзгаришлар асосан муддатлар, айрим сифат параметрлари, ижро чиларга таалуқли бўлади

**Ташаббусли қарорлар** номи айтиб турганидек, новаторлик мазмунига кўра истиқболни назарда тутадиган қарорлардир.

**Анъанавий қарорлар** – бу одатий вазиятларда қабул қилинадиган қарорлардир.

**Тавсияли қарорлар** ўз мохиятига кўра ташаббусли қарорларга яқин бўлиб, уларда ташкилот фаолиятини яхшилаш борасидаги тавсиялар ўз аксини топади.

**Аниқ қарорлар** тўла-тўқис ахборот мавжуд бўлган холдагина қабул қилинадиган қарорлар.

**Ноаниқ қарорлар** – бу таваккал билан тўла бўлмаган ахборотга асосланиб қабул қилинадиган қарорлардир.

**Қарорнинг асосий шакллари** – яккабошлиқ, коллегиаллик (кўпчилик фикри), консенсус, “Рингли усул” асосларида қабул қилинган қарорлар.

**Рингли усул асосида қабул қилинган қарорлар** - у хонада ёки мажлисларда эмас, балки сўраб чиқиш йўли билан розилик олиш воситасида хал этилади.

**Қора кути” моделлари** - тизим таркиби модели. Тизим тузилмаси модели.

**Қиёслаш методи** - мазкур тизимни, ҳодисани, жараённи бошқалар билан қиёслаш ва бу ўз навбатида уларнинг хусусиятларини аниқлашга имкон беради.

**Стратегик тадқиқот** - амалий вазифаларни ҳал этишга қаратилган ва миллий манфаатлар ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлаш мумкин бўлган кулагай шароитларни яратиш билан боғлиқ.

**Шунингдек, мураккаб тизимларни тадқиқ қилишда тингловчилар қўйидаги тушунчалар билан тўқнаш келади:**

- **фавқулоддалик** – алоҳида элементларнинг ва тизимларнинг хусусиятини бир бутунликка бирлаштириб бўлмаслиқ;
- **иерархия** – тизимда ички табақали ва табақалараро зиддиятларни келтириб чиқарувчи тегишли табақалар мақсадига етишишдаги бир қатор табақаларнинг ва усулларнинг мавжудлиги;
- **бирлаштириш** – тизимнинг бир қатор параметрларини нисбатан юқори табака параметрларига бирлаштириш;
- **кўп функциялилик** – бу катта тизимни муайян тузилмада муайян кўп вазифаларни (функцияларни) бажаришга қобилияти борлиги. Бу асосан эгилувчан, мослашувчан, яшовчанлик хусусиятларида кўринади;
- **эгилувчанлик** – бу фаолият мақсадини фаолият шароитига ва қуий тизим ҳолатига кўра ўзгартириш хусусияти;
- **мослашиш** – бу фаолият мақсадини фаолият шароити ўзгарганда ўзгартириш;
- **ишончлилик** – бу тизимнинг маълум вақт давомида топширилган вазифаларни ўрнатилган сифат параметрлари билан амалга ошириш хусусияти;
- **хавфсизлик** – бу тизимнинг ўз фаолияти давомида йўл қўйилиши мумкин бўлмаган таъсир ўтказмасликка бўлган қобилияти;
- **бардошлилик** – бу ташқи муҳит параметрлари ўрнатилган ва рухсат берилган муайян чегаралардан четга чиққанда тизим ўз вазифаларини бажара олиш хусусиятлари;
- **заифлик** – ташқи ва ички салбий омилларнинг таъсир этиши оқибатида шикастланиш хусусияти;

- **яшовчанлик** – бу тизим элементлари ишламаганда ёки шикастланганда фаолият мақсадларини ўзгартира олиш хусусияти.

## **Тизимли таҳлил тушунчалари ва атамалари**

**Абстракция** (лот. *Abstraktio* - мавхумлик) билиш шаклларидан бири бўлиб, у нарса (жараён) ларнинг бир қанча хоссаларини ва улар ўртасидаги алоқадорликларни фикран назардан соқит қилишдан ҳамда бирор бир хосса ёки муносабатни ажратиб кўрсатишдан иборат.

**Адаптив метод** – олдин қабул қилинган қарорга ўхшаш қарор қабул қилинади.

**Аргумент** (лот. *argumentum* – асос, далил) тизимли таҳлилда бирон бошқа фикр, холосалар тизимиning хақиқатлигини тасдиқлаш учун келтириладиган фактлар тизими.

**Алгоритм** (лот. *algorithmi* – ибтидо) - маълум бир соҳага оид муаммоларни хал килишда ишлатиладиган жараёнлар тизимиning муайян тартибда бажарилишининг аниқ дастури.

**Альтернатив** (муқобиллик) – бир-бирига қарама-қарши бўлган икки вазиятдан, фикрдан, нарсадан, имкониятдан бирини танлаш ёки танлашга мажбур бўлмок.

**Аналогия** - икки бир-бирига ўхшайдиган обьектлардаги бир хилликлар, уларнинг шакллари ва улар ўртасидаги мантиқий алоқадорлик.

**Ахборот-таҳлилий хужжат** - ахборот таҳлилий фаолият субъектлари томонидан сиёсий бошкарувга сиёсий қарор қабул қилиш учун бажариладиган таҳлилий хужжатнинг бир кўриниши.

**Биографик метод** (юонон тилида *bios*-хаёт, *grafo*-ёзяпман) – шахс хаёт йўлини тадқиқ этиш, ташхислаш, коррекциялаш, режалаштириш услуби.

**Башорат** – эҳтимоллик билан боғлиқ илмийликка асосланган у ёки бу ходисанинг истиқбол, эҳтимолли холатлари хақидаги қарашлар.

**Брейнсторминг услуби** – психологик услуг бўлиб, “ақлий хужум” деган маънони англатади.

**Воқеа** - объектив воқелик, айрим ҳодиса.

**Декомпозиция** - тизим тўғрисидаги умумий тасаввурни таъминловчи қисмларга ажратиш. Тизимни коммуникатив ҳамда, тизим тўғрисидаги умумий тасаввурни таъминловчи қисмларга ажратиш, таснифлаш.

**Дедукция** (юонон. *deductio*) – воқеа (жараён) ларни, муаммони ўрганишда умумий билимлардан жузий холоса чиқариш жараёни сифатида амалий мазмун касб этади. Умумийдан хусусийга бўлган мантиқий холосаларга асосланади.

**Индукция** (лот. *induction* - йўқламоқ) – бир неча якка ёки айрим хукмлардан умумий хукмга ўтиш ёки айрим воқеа, ходисаларни ўрганиш асосида умумий қонун-қоидалар яратиш жараёнини вужудга келтиришни таъминлайди. Хусусийдан умумийга бўлган мантиқий холосаларга асосланади.

**Дельфи услуби** - ҳарбий-стратегик ва ҳарбий-техник муаммоларни тадқиқ қилиш учун ишлаб чиқилган усул.

**Истисно методи** - таркибий қисмларнинг катта гуруҳларининг учинчи истисно қонуни асосидаги босқиччама босқич истиснога асосланади.

## **VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **I. Раҳбарий адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // kun.uz. 2018.12.28.

2. “Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир”. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // “Халқ сўзи” online газетаси, 2018 йил 8 декабрь.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017 й.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017 й.

### **II. Меъёрий-хукуқий хужжатлар.**

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрельда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т., 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги

“Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июнданги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарори / Lex.uz.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони / Lex.uz.

### **III. Махсус адабиётлар.**

1. Самаров Р.Ю, Раджабов А. Сиёсий матн таҳлили. (методология, назария, амалиёт). -Тошкент, СТИБОМ, 2010. -266 б.
2. Антонов А.В. Системный анализ М.2002
3. Ожиганов Э.Н. Стратегический анализ политики: Теоретические основания и методы М.2006
4. Мировая политика :теория, методология, прикладной анализ. М.2002
5. Гараедаги Дж. Системное мышление: как управлять хаосом и сложными процессами. Минск, 2007.
6. Хоффер Дж.А., Джордж Ж.Ф., Валачич Ж.С. Современный системный анализ и проектирование. – США.: Пиарсон эдукатион, 2002.
7. Системный анализ и аналитические исследования: руководство для профессиональных аналитиков / А.И. Ракитов, Д.А. Бондяев, И.Б. Романов, С.В. Егерев, А.Ю. Щербаков; [отв. ред. А.И. Ракитов]. - М., 2009. - 448 с.
8. Бендерская Е.Н., Колесников Д.Н., Пахомова В.И. и др. Системный анализ и принятие решений.: Учебное пособие. -СПб. Изд-во СПб ГТУ, 2001. - 206 с.
9. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. -СПб. Изд-во СПб ГТУ, 2003. - 510 с.
10. Вопросы анализа и процедуры принятия решений: Сб. статей. /Пер. с англ, под ред. И.Ф. Шахнова. - М.: МИР, 1976. -228 с.
11. Системный анализ и принятие решений: Словарь - справочник. Учебное пособие для вузов / Под ред. В.Н. Волковой и В.Н. Козлова. - М.: Высшая школа, 2004. -616 с.
14. С.Жўраев, А.Хасанов. Илмий тадқиқот методологияси. Т.2014.
15. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. Т.: “Иқтисодиёт”, 2011. – 208 б.
16. Methods of Teaching. Course Gulde. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012. 44-65.
17. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler. 94-118.
18. Ишмуҳаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент:«Фан», 2010.
19. Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини

малакасини ошириш технологиялари. Т.: Фан. 2011 й. 189 б. Systems analysis and design / Alan Dennis, Barbara Haley Wixom, Roberta M. Roth. – 5 th ed., Printed in the United States of America, 2012.

20. Complete systems analysis: the workbook, the textbook, theanswers / by James Robertson, Suzanne Robertson. Published by Dorset HousePublishing Co., Inc., New York, 1998. Digital release by Pearson Education, Inc., June, 2013.

21. Sharon Hanson, Legal Method and Reasoning, Second etition, London, Sydney, 2003.

22. Лекции по методологии научного исследования в сфере права: Учебное пособие для студентов магистратуры юридического профиля. Третье, стереотипное изд. / сост. А.З.Каримов. – Т.: «ЗИЁ», 2010.

23. Ахборот тизимлари. Юриспруденцияда ахборот тизимлари. Дарслик / Каримов А.З. “Электрон вариант. Т.: ТДЮУ, 2016

24. Основы системного анализа: Учебное пособие / Спицнадель В. Н., – СПб.: «Изд. дом «Бизнес-пресса», 2000.

25. Хуқуқий соҳада тизимли таҳлил. Ўқув қўлланма. / И smoилов Б.Т., Каримов А.З., Маннопова Э.Т., Юнусова М.С., Худайназаров А.Қ. Т.: ТДЮИ, 2016.

26. Социальные системы. Формализация и компьютерное моделирование: Учебное пособие. - Омск: Омск. гос. ун-т, 2000. - 160 с.

27. Кузьмин С.А. Социальные системы: опыт структурного анализа. 1996 г.

### **Электрон таълим ресурслари:**

1. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
5. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
6. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
7. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
8. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
9. [www.titli.uz](http://www.titli.uz)
10. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)